O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган | № 4-5 (6847-6848) 1998 йил 20 январь, шанба | Сотувда эркин нархда

ТИНЧЛИК ҚЎРҒОНИДИР БИЗ ҚУРГАН ҚЎРҒОН

Истиқлол нафаси ила кундан-кун юз очаётган ҳур Ўзбекистонимиз келажаги ҳамиша ёш авлоднинг қўлида бўлади. Бу юрт қуёшини эмиб ўсган ҳар бир боланинг юрагида ёруғ бир ишқ улғайиб боради. Бу— Ватан ишқи, юрт ишқидир.

Бугун мустақил Ўзбекистонимиз аскар йигитларининг кўзларида фахр ва ифтихор билан порлаб турган ўша ишқнинг оловини кўрамиз. Мустақиллик йўлига эндигина киришиб бораётган, қадриятини, ўзлигини баланд мезонларда кўра бошлаган ўзбек халқи ҳар бир жабҳада қўрқмасдан мардона қадам ташламоқда. Унинг шаҳдам қадамларидан бири Ўзбекистон Куролли Кучларининг ташкил этилганидир. Зеро, бу — ўз келажаги, болаларининг хотиржамлигини ўйлайдиган ҳар қандай одил мамлакат учун биринчи навбатда амалга оширилиши керак бўлган вазифадир.

Бошидан не-не босқинлару, фожеаларни кечирган диёримиз дунё мамлакатлари олдида тинчлик туғини янада баланд кўтарди. Оналарнинг кўз ёшлари эмас, балки бахтиёр табассуми учун хизмат қилувчи, Мустақиллигимизни ҳар қандай ғаразлардан ҳимоя қилиш учун тузилган Куролли Кучларимиз кундан-кун қудратли бўлиб бормоқда. Бизнинг армиямиз ҳар томонлама тарбияланган, чиниққан, таълим олган ва олаётган аскарлари билан шубҳасиз кудратлидир. Бу армия сафидаги йигитларимизнинг қалбида ёнаётган эътиқод, бурч туйғуларида босқинчилик эмас, балки Ватанни асраш, ҳимоя қилишдек муқаддас истак барқарордир.

Бугун саф тортиб ҳарбий хизматга отланаётган ҳар бир йигитнинг эртанги кунида келажакнинг хотиржамлиги яшайди.

Гўрўғли сиғинган тупроқ гардида
Қуёшга айланган юрак саси бор.
Ўзбек ўғлонларин буюк қонида,
Паҳлавон Маҳмуднинг ҳур нафаси бор.

Энди оқармайди оналар сочи,
Гўдаклар тушини бузмайди даҳшат.

Тонглар хаёлини гулга узатган —
Боғларда бахт ҳиди кезади фақат.

Элга нажот бўлгай боболар руҳи,
Тинчлик қўрғонидир биз қурган қўрғон.
Алпомиш қонидан яралган мардлар,
Сени қўриқлайди ҳур Ўзбекистон.

Ватан, гўдакларинг кўксида кулган,
Жажжи юракларда само сурати.
Халққа ҳаловатдир, хотиржамликдир,
Юртига сиғинган фарзанд талъати.
Дўстлар даврасида мангу омон бўл,
Эй, қуёш ишқига чулғонган маскан.
Темур орзусидан яралган мардлар
Сени асрагуси, эй, озод Ватан!

ОНАЖОН

Табдил

Тонглардан мен сизга сўрайман умр,
Меҳрим йўлингизга гулдай тўшайман.
Қалбим нурга тўлар сизга боққан дам,
Онажон, мен сизга жуда ўхшайман.

Битта оҳ чексангиз ғамга ботаман,
Гўё бош устимда қораяр осмон.
Доимо соғ бўлинг, кулиб юринг сиз,
Кўзингиз ёшини кўрмай онажон!

Наргиза ТУРАЕВА,
Тошкент шаҳар, 148-мактаб ўқувчиси.

Tonglardan men sizga surayman umr,
Mehrim yulingizga gulday to'shayman,
Qalbim nurga to'lar sizga boqqan dam,
Onajon, men sizga juda o'hshayman.

Bitta oh cheksangiz gamga botaman,
Go'yo bosh ustimda qorayar osmon.
Doimo sog bo'ling, kulib yuring siz,
Ko'zingiz yoshini ko'rmay onajon!

Nargiza Turaeva,
Toshkent shahar, 148-maktab o'quvchisi.

Самодан тушгандай ерга юлдузлар,
Шоду хандон эрур бу бахтли қизлар.

Пойтахт ўқувчилари ёзадилар

ҲАҚИҚИЙ ҲАМРОҲИМИЗ — ГАЗЕТА!

Мактабимиз ўқувчилари ўз газеталари борлигини, ўқиб унга ўз ютуқ ва камчиликлари ҳақида ёзиб туриш кераклигини ҳаёлларига ҳам келтирмас эдилар. Ўқитувчиларимизнинг қайта-қайта қистовлари натижасида «Тонг юлдузи»га айримлар шунчаки ёзилиш керак экан, деб обуна бўлганди. Энди эса нега биз ҳам унга ёзилмадик, деб афсусланишаяпти. Чунки саҳифалари кескин кўпайган ўз газетамиз иқтисодиётга оид ҳам сабоқ берадиган бўлибди. Бунинг устига инглиз тилини ўргатишини айтмасизми? Бизнинг мактаб инглиз тилига ихтисослашгани учун ҳам ўз газетамиз «Тонг юлдузи»нинг ҳар сонини синчиклаб ўқишимиз керакка ўхшаб қолди. Дунёни танитадиган, фикримизни ўстириб, орзу-ҳавасларимизни қанотлантирадиган ўз газетамиз «Тонг юлдузи» юлдуздек порлаб турсин. Бунинг учун тенгдошларимга «газетамизга ҳат ёзиб туринг. Сизларнинг мактубларингиз орқали ҳаётимиз, яшаш тарзимиз яққол намоён бўлади. Натижада ўз газетамиз янада ўқимишли бўлади» дейман. Мен ҳам унинг ҳамишалик ўқувчиси ва муҳбири бўлишга ҳаракат қиламан, деб сизларга ваъда бераман.

Жамшид ҲАМРОЕВ,
Тошкентдаги 151-мактаб ўқувчиси

ВАТАНИМИЗ ОМОН БЎЛСИН

Ҳар галгидек, бу йилги қиш фаслининг кириб келиши биз болалар учун жуда ҳам қувончли бўлди. Ҳаммаёқни оппоқ қор коплаган кунларда 2-чоракни якунлаб, қишки таътилга чиқдиқ.

Бу таътилда ҳамма болалар қизиқарли томошалар кўриш учун цирк, театр ва арча атрофига боришди. Мен ҳам ойимдадам ҳамда укаларим билан бирга мана шу таътилда циркка бордик. Ялмоғиз кампирнинг учиб келиши-ю, айиқ полвоннинг рақсга тушиб ўйнаши, тепадаги каптарларнинг ҳар хил шакл ясаб учиши ҳаммани ҳайратда қолдирди. Эртадаги маймуннинг коптокда тез ва чаққон юриши, кучукларнинг баландга сакраши ва ниҳоят Қорбобо ва Қорқизнинг кириб келиши қувончимизга қувонч қўшди. Биз бой таассуротларга эга бўлиб қайтдик ва дўстларимизга у ерда кўрган воқеаларимиз ҳақида гапириб бердик.

Биз болаларнинг бахтига Ватанимиз омон бўлсин, чунки келажагимиз ана шу омонликдандир.

Турсуной САНАЕВА,
Тошкент шаҳридаги 83-ўрта мактаб ўқувчиси

Латифжон акангизнинг касби агроном бўлса-да, 15 йилдан буён мухбирликнинг машаққатли нонини еб келмоқда. Унинг «Устозлар хотираси» номли очерклар тўплами 1996 йилда чоп этилди. Яқинда «Жаннатий боболарим» қиссалар мажмуаси нашрдан чиқади.

Юқори Чирчиқ тумани «Камолот» ёшлар жамғармасинин бошқараётган Латифжон Мансуров мухбирлар меҳнатини доимо қадрлаб келади. Шу муносабат билан Юқори Чирчиқ тумани «Камолот» жамғармаси газетамизга энг яхши мақола йўллаган ўқувчи мухбирга осма соат ажратди. Марҳамат, иқтидорингизни синаб кўринг.

Долзарб мавзу, тилга олиб, газетага ёзса арзийдиган мавзу, ҳаммани қойил қолдирариган, ҳавасини келтирадиган мавзу топганларни эсдалик совға — СОАТ кутмоқда.

Диққат, Диққат, Диққат!

«Болаларга атаб — ёзилган энг яхши китоблар учун» кўрик-танлов

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган танловдан мақсад Ватанни севиш, миллий қадриятларни ардоқлаш, болалар онгига мустақиллик ва миллий давлатчилик руҳини сингдириш, ёш авлодни одоб-ахлоқли, маънавий баркамол қилиб тарбиялашга ундайдиган энг яхши асарларни танлаб олиш ҳамда уларни рағбатлантириш, кенг ўқувчилар оммасига етказишдир. Танлов эълон қилган ташкилотлар ўз сармоясига эга. Қўлёзмаларни танлаш, ўрганиш ва ғолибларни аниқлаш ваколатига эга бўлган Ҳайъат тузилиб, тасдиқланади.

КЎРИК-ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

— Кўрик-танловга миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлашга, қаҳрамонлик, мардлик, инсонпарварликни шарафлашга бағишланган, қизиқарли, болалар дунёқарашини шакллантиришга ёрдам берадиган янги асарлар қабул қилинади.

— Тақдим этилган асарлар ёзув босмада икки нусхада кўчирилган бўлиши лозим.

— Тақдим этилган қўлёзмалар ички тақризга берилиб, тақризчилар хулосаси асосида ғолибларни аниқлаш ҳайъат зиммасига юкланади.

— Кўрик-танлов анъанавий бўлиб, ҳайъат аъзолари, тақризчилар ва мутахассислар таркибига, мукофот пули миқдорига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ҳайъат фикри ҳал қилувчи кучга эга бўлиб, у қайта муҳокама этилмайди.

КЎРИК-ТАНЛОВ ЯКУНИ:

«Болаларга атаб ёзилган энг яхши китоблар учун» кўрик-танлови якуни ҳар йили Мустақиллик куни арафасида эълон қилинади. Кўрик-танловда ғолиб чиққан муаллифлар ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Мукофотлар қуйидагича белгиланган:
Кичик мактаб ёшидаги болалар учун:

Насрий асарларга — 30 минг сўм
Шеърий асарларга — 30 минг сўм
Меросимизга оид асарларга — 30 минг сўм

Ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун:

Насрий асарларга — 30 минг сўм
Шеърий асарларга — 30 минг сўм
Меросимизга оид асарларга — 30 минг сўм

Қўлёзмалар ҳар йилнинг 1 июнигача Ўздавматбуотқўмитага топширилиши керак

Андижондан уч мактуб

АЖИБ УЧРАШУВ

Мактабимизда турли кечалар — қизиқарли тадбирлар ўтказиб турилади. Тадбирлар ичида бир анъанавий кечамиз бор. Бу — мактабимизнинг собиқ ўқитувчилар билан учрашув кечасидир.

Яқинда кекса муаллимлар мактабимизга, ўзлари учун қадрдон бўлиб қолган масканларига ташриф буюришди. Улар математика ўқитувчиси Нишонбой Юсупов, бошланғич синф ўқитувчиси Абдураҳмонов, кимё фани муаллими Масобиров эди. Фахрийлар кечада ўзларининг меҳнат йўллари ҳақида тўлқинланиб сўзлаб бердилар. Муаллимлик фаолиятларини бошлаган ёшларга қимматли маслаҳатларини бериб, ўқитувчи бўлмоқ машаққатли, кези келганда масъулиятли эканини уқтириб ўтдилар. Мактабда таълим олаётган 687 нафар ўғил-қизга, 58 нафар зиёлиларга билим олиб, билим беришда куч-ғайрат тиладилар. Уларнинг суҳбатларидан илҳомланиб муаллимлик касбига бўлган меҳримиз янада ортди.

Умид ТОШБОЛТАЕВ,
Севара МАҲМУДОВА,
Шаҳрихон туманидаги 10-мактаб ўқувчилари.

ҲУНАРЛИ ХОР БЎЛМАЙДИ

Баъзи бир тенгдошларим дарс машғулотлари тугагандан сўнг уйда зерикиб кетаман, деб айтишади. Бугун ҳам бир дугонам шу мавзуда нолиб: «Дилноза, дарсдан сўнг нималар билан шуғулланасан», деб сўраб қолди.

— Чеварлик билан. Ахир, ўз хонадонимизда очилган чеварлик кичик корхонамиз борку! Ўзим тенги яна 9 нафар қиз ҳам чеварликни ўрганаяпмиз.

— Вой, ростданми, мен ҳам аъзо бўлсам бўладими?

— Албатта бўлади. Ахир, қанча кўп ҳунар ўргансак, ўзимизга асқотадику, тўғрими?

«Маслаҳатли тўй-тарқамас», деганларидек, Нилуфар билан сафимиз ўнтага етди. Чеварлик сирларини бекаму-кўст бизларга ўргатиб келаётган Фарида опа Мамараҳимова сафимиз кенгайиб бораётганидан хурсанд. Тикаётган либосларимиз кундан-кун харидоргир бўлиб бормоқда.

Яқинда вилоятда бўлиб ўтган «Ўқувчилар либоси» кўрик танловида 8-11 синф ўқувчилари учун махсус тикилган либослар фахрли биринчи ўринни олди. Бу мақтовга сазовор бўлган либослар устаси ҳам Фарида опа бошчилигидаги ёш чевар қизлар эканлиги бутун мактаб жамоаси-ю, туман аҳолисига маълум.

Мактабимизда «Қўғирчоқ» театри ташкил этилган. Ҳар бир санага ёки болалар учун турли эртаклар ва қизиқарли тадбирларга атаб театр қўйилади. Жонсиз дўстларимиз бўлган қўғирчоқларнинг бежирим либослари ҳам Фарида опам қўлида жонланган. Устозимиз — Гулшаной Сотиволдиева ҳам Фарида опанинг санъатига меҳрла боқиб: «Ҳам муаллим, ҳам чевар, катта оиланинг бекасисиз — сизга юрақдан ҳавас қиламан» — дейдилар.

Фарида опанинг эса бир сўзлари доим ёдимизда туради:

«Қизларжон, оилада тарбия оласиз, мактабда таълим. Кейинги ҳаётингизда эса албатта ҳунар керак бўлади. Ҳунарли инсон ҳеч қачон хор бўлмайди». Биз ёш чеварлар бунга албатта амал қиламиз.

Дилноза БУВАЖОНОВА,
Марҳамат туманидаги 6-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

ЯШАНГ, РАИС БУВА

Яхшиликнинг эрта-кечи бўлмайди. Чиндан ҳақ гап. Марҳамат туманидаги Мадумар Тожибоев номли жамоа хўжалик бошқарув раиси Солижон ака Зокиров имконияти борича болалар учун, уларнинг маънавияти учун ҳамиша қайғурувчан инсондир. Жамоа хўжалиги ҳудудида 7 та мактаб бор. Мактабда ечимини кутаётган муаммолар борки, барчасини ҳал этишда раис бува бош-қош. Ҳар йилги мактабни таъмирлаш ишларида ҳам жамоа ўз ёрдамини аямайди.

«Келажагимиз шу болалар қўлида. Шундай экан, қўлдан келган барча қулайликларни яратиб бериш, уларнинг билимга бўлган меҳрини янада кучайтириш бизнинг вазифамиз», дейди раис бува. Кези келганда, барча мактаб ўқувчилари ҳам жамоа хўжалигимизнинг юмушларига кўмаклашади. Айниқса, пахта мавсумида мактаб катта куч. Бу йил ҳам барвақт уддаланган 2400 тонналик хирмонда ўқувчиларнинг салмоқли улуши бор. Ҳар бир мактабга биттадан қўй, эсдалик совғалар ва илғор теримчиларга қўл соатлари мукофот қилиб берилди. Айниқса, ўқувчиларнинг ўз нашрларига обуна бўлишларида катта ёрдам берилди. «Тонг юлдузи» газетасига бу йилги обуна мавсумида ҳар бир мактабдан 15 нафар ўқувчини жамоа ҳисобидан обуна қилдик.

Болалар учун, уларнинг билим олишлари учун қайғуриш ҳозирги кунда барчамизнинг вазифамиздир. Бу масъулиятли бурчни ҳамиша ўз зиммасига олган Солижон акадек жонкуяр раҳбарларимиз бор экан, демак, биз кутаётган натижалар янада яхши самарасини беради.

Мадина БОНУ.

Тарихни ўрганмай туриб, келажакни яратиб бўлмайди. Келажак авлодга тарихни тўлалигича, рўйрост, ҳеч қандай муболағасиз етказиш учун устозларимиз изланишда.

Тошкент вилоятидаги 25-мактаб тарих фани ўқитувчиси Илмира Неъматова изланувчан, ўқувчиларга талабчан муаллимлардан. Ҳар бир дарсга тайёргарлик билан кирадиган, кўргазмали қуроллардан фойдаланиб, қизиқарли дарс ўтадиган устозни чиндан ҳам болалар яхши кўришади.

Суратда: устоз И. Неъматова.

ҲАММАСИ ДЕСКАРИ

Қадим замонда Алиса исмли қарға яшаган экан. У жуда ҳам дангаса экан. Баъзан Алиса осмонда учиб кетаётган ҳолатида ҳам ухлаб қоларкан ва шунда ғалати тушлар кўрар экан.

Бир куни у учаётиб шу қадар қаттиқ ухлаб қолибдики, оёғи юқори, боши эса пастга қараган ҳолатда уча бошлабди ва шу аҳволда туш кўрибди, тушида ҳамма воқеалар тескари эмиш...

Мурр исмли мушук сичқон овига чиқибди ва кутилмаганда бир сават ичида икки сичқонни кўриб улар сари иштаҳа билан яқинлаша бошлабди.

— Қара, мушук келяпти, деди сичқонлардан бири иккинчисига, ҳозир уни тутиб оламиз.

Мурр буни эшитиб ажабланди. «Тавба, сичқонлар ҳам мушук овлар эканми?» — деди ўзига ўзи. Аммо сичқонлар эса мушукларни овлашмоқда. Бунақаси сира бўлмаган эди.

Шу пайт мушук йўлда сут сотувчи, арава ва отни кўриб қолди. Аравани сут сотувчи тортар, от эса аравага ўтириб олиб сут сотувчига «чуҳ» дея қамчи урарди.

Кейин Мурр икки бола ва уларнинг ота-онасини кўрди. Болалар ўз ота-оналарини «Вой-вой безорилар-ей! Уйга борайлик, овқатланмасдан дарҳол ухлашга ётасизлар», — дея тергашарди.

— Биз бошқа қилмаймиз, деб ҳўнграшарди ота-она.

Қоронғу тушди, аммо осмонда ой ва юлдузлар ўрнига қуёш нур сочиб турарди.

«Ахир ҳозир тун-ку, — ўйлади Мурр. — Тунда ой ва юлдузлар нур сочмоғи керак, қуёшга бало борми?»

— Қани даф бўл,— дўқ қилди у қуёшга.

— Кетмайман, деди қуёш. Бу дунёда ҳаммаси тескари ва мен фақат тунлари нур сочаман. Шунда кундузи ўйнашга вақт топилади.

— Энди нима бўлади? — даҳшатга тушди Мурр.

Шунда у бирдан юқорига қаради-ю оёғи осмондан бўлиб учаётган қарғага кўзи тушди.

-Эй, Алиса! Уйғон, — деб бақирди.

Алиса уйғонди, ўзини ўнглаб худди ҳеч қандай воқеа рўй бермагандек учиб кетаверди. Шу пайт қуёш ботди, осмонда ой ва юлдузлар порлай бошлади. Гав Муррни, Мурр эса сичқонларни қува кетди. Сичқонлар саватга яшириниб олишди. Муррнинг қорни жуда очқаб кетди ва балиқ ҳамда сутни паққос тушириш учун ошхона томон ошиқди. Дангаса Алиса эса дарахтнинг баланд шохидаги уясига қайтди, яшилаб ўрнашиб олиб пинакка кетди.

— Қарр! — деди у уйқу олдидан. — Қандай ажойиб туш экан.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ таржимаси

Абдулла ТУРДИЕВ

ТИНЧЛИК БАЙРАМИ

Юриш маз-за метрода,
Қушдек учар манзилга...
Мустақиллик — Бош майдон —
Чорлади Янги йилга.

Йўлга тушдик тўртовлон —
Дадам, ойим, мен... укам.
Мустақиллик Арчаси —
Э, жудаям зўр экан.

Одамлар гуррос-гуррос,
Бир яйрадик дил кетиб.
Осмонга игна отсанг,
Тушмас ерга «йилт» этиб.

Даврадаги Қорбобо
Бизни табрик айтади.
Дадам билан Ойим ҳам —
Худди биздек яйради.

Уйга қайтдик кечки пайт,
Бир олам қувонч билан.
Бир гап айтди оҳорли —
Метрода укам Тўлан.

— Дада, Тинчлик юрти-я,
Ўзбекистон давлати!
Бизнинг яшаш жойимиз—
Шундан «Тинчлик» бекати:

ҚОР ЁҒМАДИ, АММО...

Қишки таътил бошланмасдан олдин тез-тез ёққан қор таътил бошланиши билан тўхтади. Таътилда мазза қилиб қор-бўрон ўйнаймиз, чана учамиз, деб хурсанд бўлган эдик...

Шундай бўлса ҳам таътилда зерикмадик. Аямлар ишхоналаридан арча байрамига таклифнома олиб келибдилар. Дадамлар бўлса Мустақиллик майдонидаги энг катта арча томошаларига олиб боришни ваъда қилдилар. Аям укам Беҳзоджон билан иккаламизни иш жойларидаги арчага олиб бордилар. Катта залга ясатилган катта арчани кўрибоқ кўзларимиз қувонди. Қорбобо, Қорқиз, қуёнчалар, ялмоғиз кампирни айтмайсизми. Қувноқ куйларга ўйинга тушдик, ёд олган шеърларимизни айтиб Қорбободан совғалар олдик. Ҳаммаси жуда зўр бўлди-ку, лекин байрамнинг ярми рус тилида бўлгани учун Қорбобонинг кўп гапларига тушунмадик. (Ахир мен энди учинчи синфда ўқийман, укам эса боғчага боради. Рус тилини энди ўрганяпмиз).

Нима бўлса ҳам қишки таътилда қор ёғмагани-ю, чана тортмаганимиз сезилмади.

Ойбек ХАЙДАРОВ, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани.

Бўш ўтирма

ИККИ ЧЕЛАК

Савол: Иккита бир хил челакка лимо-лим қилиб сув қуйилган. Уларнинг бирида ёғоч бўлаги сузиб юрибди. Айтингчи, бу челаклар тарозига қўйилса, уларнинг қайси бири оғирроқ чиқади?

Жавоб: (Ҳар иккала челак ҳам бир хил оғирликда. Чунки челакнинг бирида сув камроқ. Уни ёғоч сиқиб чиқарган. Архимед қонунига кўра сиқиб чиқарилган сув вазни ёғоч вазнига тенг.)

Бизнинг тўгарак

Риштон туманидаги 49-мактабда икки йилдан бери «Ёш мухбирлар» тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Унга ёш, иқтидорли мураббий Тўтиёхон опа Тўрақосимова раҳбарлик қилади.

Қуйида ёш қаламкашлар машқларидан намуналар эълон қилмоқдамиз.

РАССОМ

Содиқ расм чизишни,
Жуда яхши билади.
Лекин қуён расмини
Чизолмай қийналади.
Чизган эди қуённи,
Бўрига ўхшаб қолди.
Қуённи таний олмай
Бўрибой қақшаб қолди.

ОНА СЎЗИ

Валижоннинг онаси:
Вазифангни қил, — деди.
У эса парво қилмай,
Телевизорни кўрди.
Эртасига тарихдан
«Икки» баҳо олганда —
Она сўзи қулоқда
Жаранглаб қолгандир-а? ..

Азизжон КОМИЛОВ, Ойбек номли мактабнинг 6-синф ўқувчиси

УСТОЗИМИЗ-ФАХРИМИЗ

Узоқ йиллардан буён ўз касбига меҳр қўйиб ишлаб келаётган устозимиз Аҳмаджон ака Эгамовни туманимизда танимайдиган киши бўлмаса керак. У киши салкам чорак асрлик умрини ёш авлод тарбиясидек шарафли ва машаққатли ишга сарфлади.

Устозимиз соддалиги билан биз ёшлар қалбидан чуқур жой олган. У ўқувчиларга физика фанидан чуқур билим бериш учун тинмай изланади.

Ўтган ўқув йилида физика фани бўйича вилоят миқёсида ўтказилган семинарда Аҳмаджон аканинг фаолияти намунали баҳоланиб, фахрли ўринни эгаллади. Унга «Халқ таълими аълочиси» фахрий унвони берилди. Янги ўқув йилида ҳам туманимизда бўлиб ўтган ўқитувчилар анжуманида ўз кўргазмаси билан қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади ва ҳокимликнинг мукофотига сазовор бўлди.

Биз ана шундай устозимиз борлигидан ҳамиша фахрланамиз.

Нилуфар САМИНЖОНВА, Риштон туманидаги 49-ўрта мактабнинг «Ёш мухбирлар» тўгараги аъзоси

Танишув

Хумоюн менинг номим

Таътил кунлари пойтахтимиздаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги истироҳат боғида «Тонг юлдузи» газетасини тескари ўқиётган муштарийни учратиб, ажабланиб тўхтадик. Астагина антиқа газетхон ёнига бориб ўриндиқнинг бир четига омонатгина ўтирдик. Мутолаа поёнига етгач, ҳамсоямизни саволга тутдик.

— Кечирасиз, тақсир, мен «Тонг юлдузи» газетасида маош олмайдиган мухбир бўлиб ишлайман. Агар малол келмаса, уч-тўртта савол бермоқчиман.

— Айтинг.

— Исмингиз нима?

— Ҳумоюн Мирзо.

— Бобурнинг ўғлимисиз?

— Йўқ, Асқарали Маҳкамовнинг ўғлиман.

— Бобур сизга ким бўлади?

— Акам.

— Акангиз ҳозир Ҳиндистондами?

— Тошкентда.

— Нима қилади?

— Тўққизинчи синфда ўқийди. Ўн тўрт яшар.

— Ие, буёғи тўғри келиб қолибди-ку!!! Бобур Мирзо 14 ёшида ким бўлганини биласизми?

— Биламан, подшо бўлган.

Биз «Тонг юлдузи»ни тескари ўқиётган илм толибига ажабланиб қараб қолдик.

— Ўзингиз нечанчи синфда ўқийсиз?

— Биринчи «Д» синфида ўқийман.

— Яхши ўқийсизми?

— Ҳа.

— Синфингизда сиздан ҳам яхши ўқийдиган бола борми?

— Йўқ... Кўп болалар алифбени ўқимай келади. Математикадан вазифани бажармайди. Ўзим синфкомман.

— Табриклайман. Сизни бирор синфком этиб сайлаганми?

— Ўқиш бошлангандан сўнг беш кун ўтиб ўқитувчимиз «Кимда краска бор» деб сўрадилар. «Бизда бор», — дедим «Қанақа краска?» — деб яна сўрадилар. «Оқ краска», — дедим. «Эртага олиб келасанми» — дедилар. «Олиб келаман», — дедим. Олиб бордим. Муниса ҳам краска олиб борди. Кейин саккизинчи синф ўқувчилари эшикни, парталарни, жавонимизни бўяб беришди. Кейин устозимиз мен билан Жамолни доска олдига чиқариб «Ҳумоюн староста бўлади, Жамол унинг ёрдамчиси», — дедилар. Ўшандан бери старостаман.

— Шеър ёзасизми?

— Ҳа, мана ёддан ўқиб бераман.

Ҳумоюн менинг номим,
Ассаломдир саломим,
Алифбедир каломим,
Мактаб жон-таним менинг.
Туркистон буюк қалъам,
Оқ олтинга кон далам.
Дўмробод маҳаллам,
Мактаб — жон таним менинг.

— Раҳмат! Кечирасиз, нега «Тонг юлдузи»ни тескари ўқияпсиз?

Ҳумоюн Мирзо бир оз хижолат бўлиб қўлидаги газетага назар солди.

— Ҳозиргина киоскадан харид қилдим... Шу газета нега ўзбекча эмас?

— Ўзбекча-ку.

— Русча-ку, биз бунақа ёзувни ўқимаймиз. Ҳозир лотин алифбоси ўзбекча.

— Ҳа-я биз бўлсак...

Энди камина мухбирингиз хижолат бўлди. Гапни дарров бошқа тарафга бурдик.

— Синфингизда нечта бола бор.

— Ўқитувчимиз билан ўттиз тўрттамиз.

— Ўқитувчингизнинг исми нима?

— Дилноза Комилова.

— Катта бўлсангиз ким бўлмоқчисиз?

— Ашулачи бўламан.

— Қайси фанлардан «аъло» баҳо олмадингиз?

— «Атрофимиздаги олам», «математика» ёзув...

— «Атрофимиздаги олам»да нималарнинг расмини чизгансиз?

— Сабзавот, қўғирчоқ, қош, кўз, қулоқ, бурун...

— Кимнинг қошлари чиройли экан?

— Меники...

— Ие, ҳеч жаҳонда ўғил бола ўзининг қошини мақтайдими?

— Мақтамайдими, мақташи мумкин...

— Мактабингиз кимнинг номида?

— Одил Қаюмов номида.

— У киши ким бўлганлар?

— Билмайман.

— Ўқиш яхшимикан? Зерикмадингизми?

— Яхши. Зерикканим йўқ.

— Қайси қўлда ёзасиз?

— Уйда чапақайман. Мактабда ўнг қўлимда ёзаман.

— Нега?

— Чунки ўқитувчимиз чап қўлда ёзсам уришадилар.

Хуллас калом, «Тонг юлдузи»ни тескари ўқиётган Ҳумоюн Мирзо билан боғда бир соатча дилдан суҳбатлашдик. У газета саҳифасида чоп этилган топишмоқнинг тескари жавобини ҳижжалаб ўқишга тутилди. Ҳартугул газетанинг маълум қисмини ўқувчилар талабига мувофиқ равишда лотин алифбосида чоп этиш лозим шекилли!

Ҳумоюн шоирлардан ҳазрат Навоийни, Абдулла Ориповни, Эркин Воҳидовни, Муҳаммад Юсуфни билар экан. «Онагинам» деган шеърни деярли ёддан билади. Афсуски, бу шеър ҳали лотин алифбосида эълон қилинмагани боис фақат эшитиб ёдлабди.

Унинг катта акаси Бобур ўтган йили Ўзбекистон чемпиони бўлган МАСК футбол клубининг ўсмирлар командасида тўп суради. Довуд акаси эса асосан ўқиш билан машғул — нуқул «аъло» баҳога ўқийди; инглиз тилини мустақил ўрганяпти. Укаси Меҳрзод бўлса, энди икки ёшга қадам қўйди, холос. Гапга тушунади-ю, лекин жўрттага гапирмайди: бошбош қилади — «йўқ» дегани, бошини силкитса — «ҳа» дегани. «Дада», «ая», «ака» каби осон сўзларни айтади.

Ҳумоюн биринчи «Д» синфида синфбоши бўлса-да, лекин айрим фанлардан «тўрт» баҳо олибди. «Тўрт баҳо «яхши» экан. Шундоқ бўлгач, «аъло» баҳо олишим шартмикан?» дейди. Уйга берилган вазифаларни қунт билан бажаради. Гоҳ-гоҳида, юқорида таъкидлаганимиздек, расм чизади. Биз суҳбатлашиб ўтирган пайтимиз битта ЮРАКнинг расмини чизиб берди. Насиб этса, мен уни биттасига совға қиламан. Кимга совға қилишимни Ҳумоюннинг қулоғига айтдим.

Суҳбатимиз охирида яна ўн йил мобайнида ҳар йили айнан Янги йил таътили пайтида бир хил мавзуда савол-жавоб қилишга келишиб олдик. Худо хоҳласа, кейинги учрашув бир йилдан сўнг бўлажак. Унгача Ҳумоюн телевизорга чиқиб, телемухбирнинг ҳар қандай саволига ошкора жавоб бермоқчи.

Тошкентдаги 131-мактаб ўқувчиси ҲУМОЮН МИРЗО билан БОЛА БАХШИ суҳбатлашди. 1998 й.

Бу қўшиқни ўрганинг

АРЧА ҚЎШИҒИ

С. ХАБИБУЛИН мусиқаси
Ш. САЪДУЛЛА шеъри

Қишда ҳам кўм-кўк шохинг,
Сўлмайди ҳеч япроғинг,
Уйим-арчазор боғинг,
Яшна-яшна, жон арча!

Шохларингда гул-ғунча,
Қор ёғар парча-парча,
Залга йиғилган барча
Сени олқишлар, арча!

Ўйнаймиз давра қуриб,
Атрофингда югуриб,
Қўл тутиб, чапак уриб,
Қувнаймиз, яшна арча!

Уйимиз тўла меҳмон,
Сенга ҳамма меҳрибон,
Чунки байрам жонажон —
Қувончимиз, жон арча.



ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

"Тонг юлдузи"га иқтисодий илова газета

4, 5-сонлар
1998 йил
20 январь

Ўлкамизда қиш.

ИҚТИСОДЧИЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ ДАСТУРЛАРИ

1998 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси кучга кирди. Солиқ тўлаш ва солиқ олиш, умуман солиқларга оид ҳамма жараёнлар, тартиб ва меъёрлари акс этган бу ҳужжат мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётининг муҳим қалқонларидан биридир.

***

Божхона кодексининг умумхалқ муҳокамаси ҳам республикамиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Бу ҳужжат ҳам сиз, ёш иқтисодчиларнинг эртанги фаолиятингизни аниқ-равшан, бехато бажаришингиз учун бугун ҳукуматимиз қўяётган ҳуқуқий-қонуний пухта пойдевор бўлиб қолиши аниқ.

МАНГУ ЯШАШ МУМКИНМИ?

Бу дунё рангин дунё! Ҳаёт жуда тотли. Одам узоқ яшагиси келади. Сени ҳар куни дуо қилиб мактабга кузатадиган, энг ширин нарсаларни ўзи емай, сочиққа ўраб ёки қутичада сақлаб сенга асрайдиган бувинг, ё буванг... бир кун саҳарда уйқудан уйғонмаганда, кўк тоқини ёргудек додлаб фарёд чекдинг, ўлимнинг бўйнидан олгинг келди...

Ҳа, фақат сен эмас, балки бутун инсоният асрлар давомида ўлимга қарши чора излади.

Яқинда дунё бўйлаб хушхабар тарқалди: одам ўлмаслиги чораси топилди! Даллас даги Техас университетининг профессори Вудриж Райт раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар одам хужайраларини доимо янгилаб-ёшартиб турадиган нарсани аниқлашди. Бу махсус ҳимоя ферментининг номи телемераз. Тирик вужудда ана шу фермент тугаганида хужайра ўзининг янгиланиш қобилиятини йўқотаркан.

Тажриба жараёнида олимлар организмда телемераз миқдорини сақлаб туриш технологиясини яратдилар.

Сиз - космик давр авлодлари яқин келажакда ўлим нималигини билмай, абадий барҳаёт яшасангиз ажабмас!

Суюнчи

ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАРГА - „СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" СОВҒАСИ

Истеъдодли болаларнинг республика слётини ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Яқинда Тошкентда ана шундай нодир ўсмирлар яна бир даврага жамланишди. Улар ўзлари билан бирга олиб келган илк асарлари юзасидан фикр алмашиндилар. Юртимиз мактабларининг юқори синф ўқувчилари ва лицейларнинг биринчи курслари талабалари йиғилган бу анжуманда таниқли ёзувчилар, шоирлар, олимлар ва маданият арбоблари ҳам иштирок этишди. Улар навқирон истеъдод эгалари билан дилдан суҳбат қуришди, маслаҳат бердилар. Истеъдодни камол топтириш йўл-йўриқларини баён этишди.

Уч кун давом этган бу анжуманни Халқ таълими вазирлиги ва Республика "Камолот" жамғармаси уюштирди.

Тадбир сўнгида асарлари алоҳида эътироф этилган 60 нафар бола "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармасининг мукофот ва совғалари билан тақдирланди.

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИ - ХАЛҚАРО КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ!

Испанияда бўлиб ўтган ёш пианиночиларнинг иккинчи халқаро кўрик-танловида юртдошларимиз ғалаба қучдилар. Тошкент шаҳрилик мактаб ўқувчилари Ирина Гулназарова билан Олег Вошкуринлар ўз тенгдошлари орасида биринчи ўринни олишга сазовор бўлишди.

ИЛК ЭЪТИРОФ, ИЛК ТАКЛИФ...

"Тонг юлдузи" ни ўқиётиб, унинг ичидаги "Ёш иқтисодчи" иқтисодий газетасини кўриб, негадир қувониб кетдим. Унда қизиқ-қизиқ мақолалар берилибди. Айниқса газетадаги "Тадбиркорлик фазилатларингизни чўтга солинг" тести менга жуда ёқди. Дарвоқе, ўтган йили "Ахборотнома"да чиққан тестларнинг баъзиларини ечиб қизиқиб қолган эдим. Мен аввал ўзимни, кейин - ота-онамни, акаларимни тест синовларидан "ўтказдим". Тест натижалари қуйидагича бўлди: отамда - 27 балл - иш юритишга аъло даражадаги имконият мавжуд; онамда - 17 балл - ўртача; Темур акам, Жамшид акам ва менда - 21 балл - имкониятимиз жуда яхши.

Бундан шуни айтмоқчиманки, газетада шундай киши феъл-атворини белгиловчи тестлар билан бирга, киши билимини синовчи тестлар ҳам бериб борилса...

Жалолиддин САЪДИНОВ,
Тошкент шаҳридаги 114-мактаб-гимназиянинг 5 - "А" синф ўқувчиси.

4, 5-сонлар
1998 йил
20 январь

ЁШ ИҚТИСОДЧИ
YOSH IQTISODCHI

ОЙНА

БИЗ БОЗОРГА БОРГАНДИК...

* Бозорга борганмисиз?
* У сизга ёкдими?
* У ерда кандай яхши ёки ёмон вокеаларни кўрдингиз?
* Бозор ва бозиргон (бозорчи)лар хакида кандай фикрдасиз?

Юқоридаги саволлар билан бир гуруҳ болаларга мурожаат қилдик. Илк суҳбатимиз Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Абдулла Набиев номли қўшимча таълим мажмуи қошидаги "Ҳулкар" ёш ижодкорлар тўгараги аъзолари даврасида бўлди.

Малика:



БОЗОРДАГИ ОЗОРЛАР

Катта опам билан бозордан этик олиб келдик. Суюниб, кийиб кўрмоқчи бўлдим, аммо оёғим ярмидан уёғига ўтмади.

- Сиғмаяпти, кичкинасини олиб қўйибмиз-ку!

Шунда, ойим кийиб кўриб олсанглар бўлмайдими, - дедилар.

Улар билмайдилар-да, бозорда нималар бўлганини: бозор тиқилинч. Энди кийиб кўрай десам одамлар туртиб кетади. Энди кийиб кўрай десам арава келиб қолади. Унинг устига сотувчи шошилтирганини айтмайсизми:

- Тезроқ пулини бер!

- Ҳали кийиб кўрганим йўқ.

- Шартмас! Нечанчи размер киясан, ўзи?

- Ўттиз олтинчи.

- Худди сенинг размеринг, олавер! Тўғри келади! - деб қўлимдаги пулни юлқилаб олди-да, этикни тутқазди. Кейин тезроқ жўна дегандек менга ўқрайиб қаради. Кўнглимиз ҳижил бўлиб уйга қайтгандик...

- Тезда орқангизга қайтиб, алмаштириб келинглар, - дедилар ойим.

Эҳ, онажон, у ер бозормас - озорлигини билмайсизми?!

Гулноза:

ҲАЛОЛЛИК

Бир куни ойижоним билан синглимга спорт кийими олиш учун бозор расталарини айландик. Ойижоним ўзларига ёққан либосни сотиб олдилар. Сотувчига пулни бериб, сўнг бошқа нарсаларни харид қилиш учун кетдик. Озгина юрганимиздан кейин биров бизни чақираётганини эшитиб қолдик ва орқамизга ўгирилдик. Шунда бояги сотувчига кўзимиз тушди. Қўлида пул билан бизга қайтинглар, дегандек ишора қилди. Ойижоним спорт кийими учун юз сўм пул ортиқ берган эканлар. Шу пулни қайтариш учун чақирган экан.

Ҳа, бозорларимизда бировнинг ҳақидан қўрқадиган ҳалол кишилар ҳам бор.

Дилноза:



НОН ХАРИД ҚИЛИШНИ БИЛВОЛДИМ

Оиламизга ҳар куни сут, қатиқ, нон керак бўлади. Дўкондан доимо нон олиб келиш менинг вазифам. Мен фақат ўзимга ёқадиганини эмас, оиламиз аъзолари ҳам ёқтирадиган нон оламан. Дўконга кирганимда сотувчига иссиқ, чиройли, куймаган, юмшоқ нон беринг, дейман.

Уйга олиб борганимда уйдагилар яхши, қизарган, жуда ширин нон экан, дейишади.

БЕГОНА БАҲО

Ойим билан бозорда юргандик. Бир кўйлакка кўзимиз тушди. У жуда чиройли ва бежирим эди. Шу пайт бир аёл келиб унинг нархини сўради.

Сотувчи:

- 25! - деди.

- Вой, бунча арзон. Иккита беринг - деб, 50 сўм узатди у. Сотувчи:

- Мен сизга сўмда эмас, яшилида дедим.

Харидор:

- Долларми?

- Ҳа.

- Бунга пулим етмайди, - деб харидор кетиб қолди.

Баъзи сотувчиларга хайронмиз: ўз пулимиз туриб, нархни бегона пулда айтишади. Улар ҳам харидорни мулзам қилганларини, ҳам қонунни бузганларини билишармикин?

Маъмура:



Диловар:

ТАНЛАБ-ТАНЛАБ ОЛДИК

Ҳоламникига бормоқчи эдик. Қовоқ сомса қилиш учун бозорга тушдик. У ерда бешта қовоқни чақмоқлаб кўрдик. Уларнинг ҳаммаси ҳам хом экан. Олтинчи ва еттинчиси пишган экан. Ойим уларни сотиб олдилар ва уйимизга кетдик. Қовоқ сомсаларни тоғорага жойладим. Биз уларни олиб меҳмонга бордик. Ҳолам сомсани еб кўриб жуда мақтадилар.

Умида:

ЎҒЛИНИНГ "ЎРТОҚЛАРИ"

Биз "Отчопар"га бордик. Адам ойим ва синглим бозорга кириб кетишди, мен машинага қоровул бўлиб қолдим. Бир пайт ёнимизга сариқ "Жигули" келиб тўхтади. Ҳайдовчи багаждан уч-тўртта ғилдирак олди-да, сотгани кетди. Ундаги кампир автомобилни қўриқлаш учун қолди.

Мен зерикиб ташқарига чиқдим. Ғилдиракларни санаётган аёл ёнига 2 киши келиб ўзларини "Биз ўғлингизнинг ўртоқларимиз", - деб таништирдилар ва бизга 2 та ғилдирак олиб бераркансиз, дейишди. Сўнг тезда ғилдиракларни кўтариб кетишди. Бир оздан кейин ўғил келиб "Ойи, 2 та ғилдирак қани? Сотвордингизми", - деб сўради. "Ўртоқларинг олиб кетишди. Ўзинг айтибсан-ку!"

- Алдашибди! Ўғриларга учрабмиз! - дедию, оғир хўрсинди, ўғил.

Кейин нима бўлганини билмайман. Чунки адам, ойим билан синглим харид қилган молларини инқиллаб-синқиллаб кўтариб келиб қолишди.

ЁШ ИҚТИСОДЧИ
YOSH IQTISODCHI
4, 5-сонлар
1998 йил
20 январь

РЕКЛАМА

КАЛИТ

Бозор иқтисодиётининг муҳим қоидаларидан бири: "Маҳсулот сотмайдиган бизнес - бизнес эмас". Ривожланган бозор маҳсулотлар уюми ва ишлаб чиқарувчилар рақобатидан иборат бўлиши керак. Шундай экан, айнан сенинг маҳсулотинг харид қилинишига эришиш осонликча бўлмайди. Театр илгичлардан бошланади деганларидек, бизнес рекламадан бошланади.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

Яқин йилларгача ҳам мамлакатимизда рекламалар камдан-кам учраб турарди. Бугунги кунда эса реклама дунёсида яшаяпмиз, десак ҳам бўлади. Ҳамма ёқда реклама: зангори экранда, радиода, кўчаларда, жамоат транспортларида. Буни тушуниш мумкин, мамлакат бозорга талпиняпти, реклама бозорни ривожлантиради. РЕКЛАМА - истеъмолчининг эътиборини маҳсулотга ёки фирма хизматларига қаратиб, эҳтиёж туғдирмоқдир. Рекламанинг истеъмолчига таъсирини билиш учун бир қатор саволларга жавоб берамиз.

Биринчидан, нимани реклама қилиш керак?

Реклама қилиш мумкин:

- бор маҳсулотни (унинг ташқи кўринишини, таркибини, қудратини, баҳосини);
- фирмани (хизмат турларини, масштабларини, ўзига хосликларини ва ишончлилигини);
- воқеаларни (масалан, кўргазма, презентация, арзонлаштирилган савдони);
- фикрни (масалан, суғурта қилиш ёхуд қимматбаҳо қоғозлар сотиб олишни, яъни акцияни).

Иккинчидан, реклама кимга қаратилган бўлиши мумкин? Маконига қараб рекламалар қуйидагича бўлинади:

- умумхалққа реклама (мамлакатнинг маълум масштабларига, бозорга маҳсулотларни тавсия қилиш) ва жойларда реклама (тор доирадаги масштабларга);
- савдо рекламаси (улгуржи молларнинг сотувчи ва харидорларига) ва саноат рекламаси (ишлаб чиқариш билан шуғулланувчига);
- маъхад рекламаси (банк мижозлари, суғурта компаниялари, маиший хизматчиларига).

Учинчидан, нима мақсадда реклама берилади? Реклама қуйидагича кўринишда бўлиши мумкин:

- хабарли реклама (маҳсулот, хизматлар ёхуд янги фирманинг ташкил бўлганлиги ҳақида);
- таъкидловчи реклама (ушбу фирмани танлаш лозимлиги ҳақида);
- эслатувчи реклама (фирманинг эришган муваффақиятларини).

Тўртинчидан, рекламани қаерда эълон қилиш мумкин? Албатта, турли имкониятлар мавжуд:

- телевидение ва радиода махсус реклама ёхуд бирор кўрсатув, эшиттиришга ҳомийлик қилиш;
- газета ва журналларга реклама эълонлари бериш (шунингдек, китобларда реклама саҳифалари берилиши);
- реклама маҳсулотларини манзилга бепул етказиб бериш (бу аввалдан келишиб қўйилган принцип бўйича ёки тасодифан бўлиши мумкин);
- ташқи реклама (эълонлар, яъни транспорт салонларида, осма плакатларда, жавон ва махсус штатларда реклама);
- кўргазма-савдо (истеъмолчини янги маҳсулотлар пайдо бўлаётганлигига тайёрлайди);
- маҳсулотларни қадоқлаш (қутининг сифати, шакли ва ранги талабни оширадиган бўлиши керак).

САВДО - СОТИҚНИНГ КАЛИТИ

Ҳақиқий ишбилармон ҳеч қачон рекламани унутмаслиги керак. Шундай ҳолатлар ҳам бўлиб турадики, ёш бизнесмен дастлабки ютуқлардан маст бўлиб, рекламани унутиб қўяди. Хусусан, реклама чуқур билим ва ақлни талаб қилади. Фирма ўзи мустақил ёхуд бирор реклама агентлигига мурожаат қилиб, реклама беради. Маълумки, АҚШда 5000дан зиёд шундай агентликлар мавжуд. Уларнинг таркиби икки-уч кишидан ёки бир неча бўлимлардан иборат йирик бўлиши мумкин.



Реклама қимматбаҳо воситадир. Қўшма Штатларда бир йилда рекламанинг ўзига 100 млрд. доллардан ортиқ пул сарфланади. Шу билан бирга у аҳолини ўзига жалб қила олиши лозим. Масалан, ҳозирги кунда зангори экранда берилаётган "Проктер энд гэмбл" фирмасининг рекламаларига назар ташланг. Кундалик ҳаётда керак бўладиган маҳсулотларни, аёллар, "уй бекалари" томонидан реклама қилинаяпти.

Комедик фильмларидан парчалар олиниб, кулгуга мойил реклама ҳам мавжуд. Мақсад фирма ёхуд маҳсулотлар эсада қоларли бўлиши. Рекламани тайёрловчилар ранг, шакл, музика, йўналиш, овозлардан фойдаланиб, ўзининг фантазияси билан бойитадилар. Лекин бундай ишни осон деб бўлмайди. Уларнинг ўзига яраша қоидалари, йўллари ва сирлари мавжуд.

Қуйида бир қанча қоидаларни эслатамиз:

- реклама истеъмолчида қизиқиш уйғотиши лозим;
- реклама - ҳаққоний бўлмоғи даркор, бир бора алдаб, умуман ишончни йўқотиш мумкин;
- реклама бошқа фирмаларга нисбатан адолатли бўлиши керак. Ўзининг маҳсулотини мақтаб, рақобатчининг маҳсулотини ерга уриш керак эмас.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Газетада реклама бермоқчи бўлсангиз, қуйидаги қоидаларни қўлланг:

1. Рекламада муҳими - оддийлик ва гапларнинг соддалиги.
2. Рекламада асосий фикрни ифодалашга ҳаракат қилинг.
3. Рекламалар осонгина ёдда қолиши шарт.
4. Яхши сарлавҳа - ярим муваффақият.
5. Рекламанинг матни ўта саводли ва аниқ бўлиши лозим. Бадиий ўхшатмалар ўқувчини ўзидан итаради.
6. Матнда ёки кўринишида ўзига жалб қиладиган бирор илмоғи бўлиши керак.
7. Эълоннинг таъсири унинг рангидадир. Оқ-қора нашрда штрихлардан ва соялардан фойдаланинг.
8. Имкон бўлса, рекламани комбинацияланган шаклда қилинг: газета, радио ва телевидениеда.
9. Чиқим ҳақида унутманг. Иложи бўлса, арзонроқ ва қайта-қайта бериладиган эълонлар билан чегараланинг.
10. Реклама бачкана бўлмаслиги керак. У инсонларнинг меъдасига тегади.

БИЛАСИЗМИ?

Мутахассисларнинг фикрича, Германияда харидларни болаларнинг фикрлари бўйича қилинар экан. Нафақат ўйинчоқлар, балки кийим-кечак, техника, мебель ва озиқ-овқатларни. Негаки, улар ота-оналаридан кўра кўпроқ телевидение қаршисида ўтириб, турли рекламаларни кўрарканлар.

* * *

Болалар катталарга нисбатан рекламага жуда таъсирчан бўладилар. Шунинг учун кўп ғарб мамлакатларида болалар маҳсулотлари рекламаларига талабчанлик билан қарашади. Буюк Британияда рекламани синчковлик билан кузатиб борадилар. Негаки, у болани ўзига жалб қилиб, ота-оналари харид қилмасалар, ўзларини камситилгандек ҳис қилишлари мумкин. Агар маҳсулотнинг нархи 20 фунт стерлингдан қиймат бўлса, у ҳолдагина зангори экран орқали кўрсатилади.

* * *

Россия социологлари ҳисоботлари бўйича, телетомошабинларнинг 40% дан 70%гачаси рекламага салбий қарашади. Бошқа европа мамлакатларида ҳам бундайлар кўпчиликни ташкил этади. Масалан, Берлинда 60-80%. Шундай ҳолларни эътиборга олган ҳолда реклама роликларини ишлаб чиқарувчилар бир ўйлаб кўрсалар бўлади.

* * *

Японияда рекламани ёқтирмайдиганлар учун махсус "ақлли машина"ни яратишди. У реклама берилаётган вақтда автоматик тарзда телевизорни учириб қўяди. Реклама тугагач яна ёқади.

* * *

Рекламани нафақат ўқиш, эшитиш ва кўриш мумкин, балки ҳидлаш ҳам мумкин. Японияниг йирик фирмаларидан бири "Тошиба" бир неча йил илгари газетада маиший техник жиҳозлари рекламасини берди. Тасвирда эшиги очиқ совутгич бўлиб, ичида қандайдир ҳосил тасвирланган эди. Ҳар бир ўқувчи ўша ҳосилни қўли билан силаб кўрса, атрофга цитрус ҳиди уфурарди.

* * *

Рекламани юлдуз даражасига кўтариш мақсадида Японияда ҳаттоки АҚШ президентлари ҳам ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бир неча йил илгари Жорж Буш телеэкран орқали яонияликларни Америкага туристик саёҳатга чорлаган, ҳозирда эса Билл Клинтон "Фудзи фильм" фирмасининг фототехникаси рекламасида қатнашяпти.

"Ёш иқтисодчи"га рекламангизни қуйидаги манзилгоҳда буюртма беришингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй. "ПрессТИЖ" реклама хизмати.
Тел.: 139-47-76, 139-48-13.
Факс: 139-48-23.

4, 5-сонлар
1998 йил
20 январь

ЁШ ИҚТИСОДЧИ
YOSH IQTISODCHI

ЧАРХ

ИНГЛИЗЧА - ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАШГИЧ

Инглизчаси	Талаффузи	Ўзбекчаси
Please, introduce yourself.	пли:з интрод'юс йоселф	Илтимос, ўзингизни таништиринг
What is your name?	вот из йо: 'нейм	Исмингиз нима?
his name?	хиз нейм	Унинг исми нима?
her name?	хэ: нейм	Унинг исми нима?
their names?	зэа неймз	Уларнинг исмлари нима?
My (his, her, their)	май (хиз, хэ:, зэа)	Менинг (унингб уларнинг)
name (s) is (are)...	нейм (з) из (а:)	исмим (исмлари)
Where do you live?	вэа ду ю 'лив	Қаерда яшайсиз?
What country do you come from?	вот кантри ду ю 'кам фрам?	Қайси мамлакатдан келдингиз?
Where do you come from?	вэа ду ю 'кам фрам	Қаердансиз?
Where are you from?	веар а ю фрам	Қайси давлатдансиз?
I'm native.	айм нейтив	Мен шу ерликман
(I come) from Canada.	(ай кам) фрам Кэнада	Мен Канададанман.

Йўриқнома

ИШ ҚОҒОЗЛАРИНИ ҚАНДАЙ ЁЗИШ КЕРАК?

2-дарс

1. Иш қоғозлари, одатда, сиёҳли ёки шарикли ручкада (кўк, қора, гунафша ранг стержень билан) аниқ дастхат билан ёзилади. Ариза, таржимаи ҳол, билдирги (рапорт), машинкалатилмай, фақат қўл билан ёзилади. Далолатнома (акт), баённома, ҳисобот каби ҳужжатлар машинкада босилиши мумкин.

2. Ҳужжатларда ўчириш ёки тузатишга йўл қўйилмайди.

3. Иш қоғозларининг ҳар бир тури умум қабул қилинган шаклда ва муайян изчилликда тузилади.

4. Ҳужжат матни қисқа, аниқ, равон ва мантиқли (ортиқча сўз ва иборасиз) баён қилиниши керак. Ҳужжат тили жуда ҳам лўнда бўлиши лозим.

5. Ҳужжатларда фақат умум қабул қилинган қисқартма сўзлардан фойдаланилади (қисқартмалар ўзбек тилида иш юритишда унча мақсадга мувофиқ эмас).

6. Иш қоғозларида бирор шахсга мурожаат этилганда "Сиз" олмоши ва унинг турланган шакллари ("Сизга", "Сизнинг", "Сиздан" ва бошқалар) бош ҳарф билан ёзилади.

7. Сон, одатда, рақам билан ёзилади. Пул ҳужжатлари (далолатнома, ишонч, тилхат)да рақамдан сўнг қавс ичида шу рақамнинг сўздаги ифодаси кўрсатилади.

8. Араб рақамлари билан ифодаланган тартиб сонларидан сўнг қўшимча ёзилмай, унинг ўрнига дефис (-) қўйилади: 3-чорак, 5-курс. Рим рақамидан сўнг ҳеч қандай қўшимча ёзилмайди: III чорак, V курс.

9. Турли белги ва сон ифодалари бир хил шаклда ёзилади. Масалан, N, $, % (телеграмма, яъни шошилинчномаларда булар сўз билан - "рақамли", "банд", "фоиз" тарзида ифодаланилади).

10. Иш қоғозларида уларнинг имзоланишига риоя этилади: аввал ҳужжатга имзо чекадиган мансабдор шахс ва лавозимининг номи, сўнг шахсий имзоси ва фамилияси кўрсатилади.

Тавсифнома, далолатнома каби ҳужжатларда, одатда, 3 шахс имзо чекади. Ишончномада уни берувчи имзосидан ташқари ушбу имзони тасдиқловчи шахс имзоси ҳам бўлади.

11. Ҳужжатларда саналар араб рақами билан ёзилади. Бунда русча услубда - 15.11.97; 02.08.96 тарзда эмас, балки қуйидагича - ўзбекча гап тузилишидан келиб чиққан шаклда бериш керак: 96.08.02; 97.15.11. Бунда дастлабки икки рақам йилни, кейингилари кун ва ойни билдиради.

12. Ҳужжатлар матни биринчи шахс ёки учинчи шахс тилидан ёзилади. Якка раҳбар номидан ёзиладиган фармойиш ҳужжатлари (буйруқ, фармойиш, кўрсатма кабилар) биринчи шахс (мен) номидан ёзилади. Шунингдек, айрим шахс томонидан ёзиладиган ҳужжатлар (ариза, тушунтириш хати ва б.) ҳам биринчи шахс, бирлик сонда шакллантирилади. Бошқа ҳужжатлар эса ё биринчи шахс кўплик сонда, ёки учинчи шахс бирлик сонда расмийлаштирилади: "...га рухсат беришингизни сўраймиз", "...деб ҳисоблаймиз", "...бошқарма сўрайди" каби.

ЎЗГАЛАР МУАММОСИ-

СИЗНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИНГИЗ

Бирор иш бошлашдан аввал инсонларнинг эҳтиёжи ва муаммосига эътибор беринг. У сизга катта имконият бўлади. Ўзингизни шу муаммоларни ҳал қилувчи деб ҳисобланг. Шу тарзда иш бошланг. Агар инсон ўзининг манфаати, фойдасини кўзлаб иш кўрса, у ҳолда хизматни давом эттириши, билим ва тажриба ошириши даргумон. Ўзгаларни ўйлаб, уларга ёрдам қўлини чўзадиганлар дўст дейдилар.

Сизни қизиқтирган масалаларни фақатгина атрофга назар ташлаб, теваракдаги воқеаларни кўриб, ақл ишлатиб, вақт ва куч сарфлаб инсонлар муаммоларини ечишда ёрдам бериш билан ҳал қилиш мумкин. Бундай маслаҳатлар сизга яхши корхона ва яхши дўстлар танлашда асқотади.

Оддий ҳолатларда, яъни билим ва малака талаб қилинмайдиган вазифалар билан синаш мумкин. Масалан, ёш болага қараб туриш, бирор манзилга бориб келиш. Шу йўл билан ўзингизга ҳамкор, дўст танлашингиз лозим.

ҲАЗИЛ БОШҚОТИРМАЛАР

2	5	5	5	2
2	5	2	2	2
2	5	5	5	2
2	2	2	5	2
2	5	5	5	2

1

1	8	8	8	1
1	8	1	8	1
1	8	8	8	1
1	8	1	8	1
1	8	8	8	1

2

Болалар! Шаклдаги рақамларда тузилган иккита бошқотирмани ҳал этиб топқирлигингизни синаб кўринг.

1. Катаклардаги йигирма олтита рақамнинг йиғиндиси нечага тенглигини ҳисобланг-чи.

2. Шаклга диққат билан эътибор берсангиз йигирма саккизта рақам ёзилганлигини кўрасиз. Уларнинг жами йиғиндиси нечага тенглигини топинг.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

Жавоҳирот сандиғи

Ҳусайн ХУФЗИЙ:

Дўстлар кулфатда қайғудош бўлади, чунки дастурхон устида душман ҳам дўстлик изҳор қилади.

1- СОНДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН "ЎЗБЕКИСТОН НЕЪМАТЛАРИ" КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Редиска. 2. Райҳон. 3. Помидор. 4. Боғбон. 5. Нашвати. 6. Шарбат. 7. Девзира. 8. Жавдар. 9. Бақлажон. 10. Қирқма. 11. Лавлаги. 12. Дўлана. 13. Бодринг. 14. Гармдори. 15. Шафтоли. 16. Ананас. 17. Кадинок. 18. Босволди. 19. Хурмойи. 20. Гулоби. 21. Исмалоқ. 22. Шолғом. 23. Картошка. 24. Баргак. 25. Мураббо. 26. Буғдой. 27. Мирзойи. 28. Тарвуз. 29. Тоғолча. 30. Олхўри.

ЁШ ИҚТИСОДЧИ
YOSH IQTISODCHI
4, 5-сонлар
1998 йил
20 январь

ЧИРОҚ

"ЮЛДУЗ" КУНИ БИЛАН "ҚУЁШ КУНИ" ФАРҚИНИ БИЛИБ ОЛИНГ

Вақт - борлиқнинг энг сирли ҳодисасидир. Уни аниқ ўлчаш, бирликларга бўлиб, уларни ўзаро қиёслаш ўта мураккаб иш. Бу борада яна табиатнинг ўзи инсониятга ёрдам берган. Яъни, одамзод кун билан тун алмашинуви, қуёш чиқиши ва ботиши, ойнинг тўлиқ янгиланиб бўлиш даври, табиатда тўрт хил ҳолат (фасллар) кетма-кет такрорланиб туриши каби жараёнлардан вақт ўлчовлари борлигини сезган.

Эрамизнинг XVI асрига келганда, Қуёш билан юлдузларнинг осмон қуббаси бўйлаб ўз ўқи атрофида айланиши ҳамда айни пайтда Ернинг Қуёш атрофида эврилиши эканлиги исботланди...

Ернинг ўз ўқи атрофида тўла бир марта айланиши учун кетган вақт ***юлдуз куни*** (сидерик кун) деб аталади.

Қуёш уфқдан энг юқори кўтарилган пайт кульминация деб номланган. Кетма-кет келган икки кульминация оралиғига тенг вақт бирлиги ***қуёш куни*** дейилади.

Ўртача қуёш кунининг 24 дан бир ҳиссаси соат, соатнинг олтмишдан бир қисми минут (дақиқа), минутнинг олтмишдан бир улуши эса секунд дейилиши маълум.

Ўртача қуёш куни 1 юлдуз кунидан узунроқ: 1 юлдуз куни - 23 соат 55 дақиқа 4,001 сония. Бунинг сабаби - Ер ўз ўқи атрофида бир марта тўла айлангунича, у ўз орбитаси бўйлаб маълум масофага илгарилаб қолади, оқибатда Қуёш яна энг юқори нуқтага кўтарилгунча қўшимча вақт сарф бўлади.

XX асрга келиб, ўртача қуёш куни тушунчасига асосланган вақт бирлиги ҳам нотекис эканлиги пайқалди. Ернинг ҳаракатига Ой ва сайёралар, океан сувининг кўтарилиб-пасайиши каби омиллар таъсири борлиги аниқланди. Ва вақтни янада аниқ ўлчашга имкон берувчи атом соатлари ихтиро қилинди.

Бунинг натижасида дунёда Халқаро ўлчов системаси учун вақт бирлиги сифатида космик ҳодисага эмас, балки атом билан боғлиқ жараёнга таянган секунд (сония) тушунчаси қабул қилинди. Бу қарорга мувофиқ, 1 секунд - цезий-133 атоми асосий ҳолатида электроннинг икки ўта нозик сатҳ оралиғида ўтишига мос нурланиш даврининг 9 192 631 770 га кўпайтирилганига тенг.

Шундай қилиб,

1 соат - 60 минут - 3600 секунд.

1 кун = 24 соат- 86 400 секунд.

Изоҳ: Юқорида берилган чизма-суратдаги марказга нисбатан учинчи ва тўртинчи айланалар орасида берилган рамзий белгилар - Буржлар (зодиак), яъни осмон куббасидаги йўлига жойлашган юлдуз туркумлари белгиларидир. Улар ҳақида газетамизнинг келгуси сонларининг бирида маълумот берамиз.

БИР ОЙ - 30 КУН, БИР ЙИЛ - 365 КУН ЭМАС

Ой ўз орбитаси бўйлаб Ер атрофида бир марта тўла айланиши (юлдузларга нисбатан 360° бурчакка бурилиши) даври ***сидерик ой*** дейилади. Бир ***сидерик ой 27,321 кун*** экани маълум. Лекин сидерик ой махсус астрономик кузатув талаб қиладиган ҳодиса. Ойнинг кўринма ҳаракати билан боғлиқ бошқа жараён бор. У Ой фазалари дейилади. Ой фазалари (Ой ўроғи шаклининг) такрорланиб туриши худди осма соат сингари яққолдир. ("Янги ой чиқиши") кетма-кет икки марта Ойнинг тайин бир фазаси.

Такрорланган вақт оралиғи бир ой деб ҳисобланади. Бу вақт узунлиги доимий бўлмагани учун амалда ўртача катталик - ***сидорик ой*** билан иш кўрилади. Унинг узунлиги ой тутилишларини кузатиш йўли билан топилган:

1 сидорик ой - 29,53059 кун.

Ер ўз орбитаси бўйлаб Қуёш теварагида бир марта тўла айланиши учун сарф бўладиган вақт оралиғи юлдуз йили (сидерик йил) дейилади. Унинг узунлиги 365,2563 кун. Лекин Ердаги иқлим унинг юлдузларга эмас, Қуёшга нисбатан ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун амалдаги йил тушунчасига асос қилиб, Қуёшнинг кўринма ҳаракати билан боғлиқ ҳодиса - кетма-кет икки баҳорги тенг кунлик (Наврўз) оралиғи олинади. Бу вақт бирлиги ***тропик йил*** деб юритилади. У айни пайтда Қуёшнинг осмон қуббасида буржлар (Зодиак юлдуз туркумлари) бўйлаб ҳаракатининг такрорланиш даври ҳамдир:

1 тропик йил - 365, 242196 кун.

Тропик йилга асосланган тақвимлар - ***шамсий,*** синодик ойга асосланганлари - ***қамарий,*** ҳар иккисидан ҳам фойдаланилган тақвимлар эса ***шамсий-қамарий*** деб аталади.

Биз кундалик ҳаётда ишлатадиган кун, ой, йил деганда юқорида шарҳлаганимиз ўртача қуёш куни, синодик ой ва тропик йил тушунчалари кўзда тутилади.

Хуллас, ***вақт бирликлари*** Ер, Ой, Қуёш каби табиат фарзандларининг кўримли ҳаракатига қараб ўлчанган, номланган. Ҳаётда ҳам инсонлар умри уларнинг амалдаги ҳаракатларига қараб ўлчаниши, номланиши табиий. Шундай экан, шоир Фофур Ғулом ёзганидек:

Олтин асримизнинг олтин онлари
Олтин одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла,
Безамоқ чоғидир Умр дафтарин.

МУЧАЛЛАР

1	Сичқон	1900	1912	1924	1936	1948	1960	1972	1984	1996
2	Сигир (ҳўкиз)	1901	1913	1925	1937	1949	1961	1973	1985	1997
3	Йўлбарс	1902	1914	1926	1938	1950	1962	1974	1986	1998
4	Қуён	1903	1915	1927	1939	1951	1963	1975	1987	1999
5	Балиқ (аждар)	1904	1916	1928	1940	1952	1964	1976	1988	2000
6	Илон	1905	1917	1929	1941	1953	1965	1977	1989	2001
7	От	1906	1918	1930	1942	1954	1966	1978	1990	2002
8	Қўй (қўчқор)	1907	1919	1931	1943	1955	1967	1979	1991	2003
9	Маймун	1908	1920	1932	1944	1956	1968	1980	1992	2004
10	Товуқ (хўроз)	1909	1921	1933	1945	1957	1969	1981	1993	2005
11	Ит	1910	1922	1934	1946	1958	1970	1982	1994	2006
12	Тўнғиз	1911	1923	1935	1947	1959	1971	1983	1995	2007

Изох. *Мучал йили - 21 мартдан келгуси йилнинг 20-мартигача.*

Алгоритм: *Йилнинг мучалини топиш учун ўша йилни ифодаловчи рақамлар (йиғиндиси) дан 4 ни айириб 12 га бўлинади. Қолдиққа 1 қўшилса, мучал рақами чиқади.*

Қоида: *Мучаллар тартибини ССССҚО-ОЙИТТТ ҳарфлар тизмаси кўринишида ёдда тутиш мумкин: Сичқон, Сигир, йўлбарС, Қуён, балиҚ, илОн, От, қўЙ, маЙмун, Товуқ, иТ, Тўнғиз.*

ЙЎЛБАРС ЙИЛИДА КИМ ЎЗИНИ ҚАНДАЙ ТУТГАНИ МАЪҚУЛ!

СИЧҚОН - Бемалол ўз ишлари билан шуғулланаверсин. Йил унга хавф-хатарсиз келади.

СИГИР - Нотинч юради. Йил бўйи беҳаловатлик уни тарк этмайди. У кўп жазавага тушиб, довдирамасдан яхши кунлар умидида ўзи билан ўзи андармон бўлгани маъқул.

ЙЎЛБАРС - Унинг даври келди. Қўли узун, гаҳ деса кафтига юлдуз қўнади. Имконни қўлдан бермасин.

ҚУЁН - Ўзгалар мушкулини осон қилиш учун елиб-югуришлари ўзининг ҳам ҳаётини ўзгартириб юбориши ҳеч гапмас.

АЖДАР - Йил унга омад олиб келади. Чираниб уринишлари ижобий натижа билан тугайди.

ИЛОН - Ҳаёт сокин кўринса-да, синчковлар учун у бир дарсхона. Сезган, кўрган ҳар бир нарсадан ибрат ола олсанг қандай соз!

ОТ - Унинг оиласида, шахсий ҳаётига аччиқ қисмат қўл чўзиши эҳтимоли бор. Сабр-бардош, қаноат уни ёруғ кунларга элтса ажабмас.

ҚЎЙ - Ҳамма бу кўҳна дунёни ўзгартириш иштиёқида елиб-югуряпти. Лекин оламда қўйлар ҳам борлигини наҳотки унутишган бўлса? Шунданми, у доим мискин, хафахон...

МАЙМУН - У ақлли, ўзига пишиқ! Самарасиз ортиқча югур-югурлардан ўзини тийиб, йилни томошабин бўлиб, хотиржамликда ўтказади.

ХЎРОЗ - Ҳамма ёқда ўзгаришлар. Харакатлар заҳмати... Буларнинг хўрозга нима даҳли бор?! Шунинг учун ҳам хўроз машаққат чекиб хатти-ҳаракатлар қилаётганларга ачиниб, қунишганча йилни кузатади.

ИТ - Итнинг куни туғди. Нимани тишласа, узиб чиқиши мумкин. Энг муҳими, у бу йил бахтли бўлади.

ТЎНҒИЗ - У ювош, кўникувчан, оқ кўнгил. Безовта атрофдагилар хатти-ҳаракатларини тушунишга, улар билан мослашишга ҳаракат қилади. Сокинлик ва собитлик - тўнғизга обрў келтиради.

Афоризм

Мен ҳеч нарса билмаслигимни биламан.
СУҚРОТ.

Абдуллажон АЪЗАМОВ,
физика-математика фанлари доктори.

4, 5-сонлар
1998 йил
20 январь

ЁШ ИҚТИСОДЧИ
YOSH IQTISODCHI

ДУНЁ ДАРЧАСИ

КИМЛАР ПРЕЗИДЕНТ БЎЛИШИ МУМКИН?

Американинг биринчи президенти Авраам Линкольн

Сарлавҳани ўқибоқ, мамлакат президентлигини хаёл қилган бўлишингиз мумкин. Америкалик болалар эса мактаб, аниқроғи, Ўқувчилар Кенгашининг президенти бўлишни орзу қилади. 1897 йили Нью-Йоркдаги мактабларнинг бирида республика, ҳоким, шаҳар бошқарма аъзолари, судялар, полиция ва иш юритувчилар билан биргаликда президент лавозими ҳам таъсис этилганди.

Ўқувчилар Кенгаши мактабни бошқарувчи асосий орган ҳисобланади. Кенгаш аъзолари - президент, қизлар ва болалар бўйича вице-президентлар, котиб ва ғазначи сайлов орқали бир ўқув йилига сайланади. Сайловлар "юқори" сайлов қоидаларига асосан бўлиб ўтади. Номзодлар тавсияномалар тўплайди, сайловчилар билан учрашиб нутқ сўзлайди, номзодлари ўтиши учун сувенир-совғалар тарқатади ёки меҳмон қилади.

Албатта, президентлик ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу лавозимга кўпроқ аъло ўқийдиган, сиёсий-жамоат предметларини яхши ўзлаштирган, энг асосийси, ўзини "раҳбар" сифатида намоён эта олганлар сайланади.

Сайлов даврида мактаб шовқин-суронга айланади: деворларга шиор ва плакатлар, мактаб газеталарида (газеталар босмахоналарда босилади) сайлов тўғрисидаги мақолалар, рақобатчисига қарши чизилган карикатураларни ҳам тез-тез учратиш мумкин. Уларни махсус Сайлов қўмитаси назорат қилади.

Сайловдан сўг байрамона ясатилган саҳнага янги Ўқувчилар Кенгаши аъзолари кўтарилади. Улар мактаб урф-одатларига содиқ бўлиш учун қасамёд қилади.

Мактабларда турли қўмиталар ҳам мавжуд: Хўжалик қўмитаси - мактабни таъмирлаш бўйича, Соғлиқ қўмитаси - бетоб ўқувчиларни рўйхатга олиш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш билан, Молия қўмитаси - молиявий масалалар бўйича, Нашриёт қўмитаси - газета, журнал ва маълумотномалар тайёрлаш билан, Спорт қўмитаси - мусобақа жадвалларини тасдиқлаш, спорт тўгаракларини мунтазам ишлаши бўйича фаолият юритади. Ўқувчилар зиммаларига "ортиқча" лавозим ва мажбуриятлар тушмаслигини Чеклаш қўмитаси назорат қилади. Қўмита раисларини президент тайинлайди.

Сир эмаски, Ўқувчилар Кенгаши ўқувчиларнинг келажакка тайёргарлигидир. Албатта, бу ишлар гоҳида яширинча, гоҳида эса аниқ кўрсатмалар билан директор ва ўқитувчилар раҳбарлигида олиб борилади.

КУЁН БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ ПЕЙЖЕР ТУТИБ БЕРАДИ

Кейинги вақтларда Англияда халқ таълими вазирлигини бир ҳолат қаттиқ ташвишлатирмоқда: кунда минглаб ўқувчилар дарсдан "қуён" бўлаётир. Ўтган йилнинг ўзида бундай интизомсиз, саёқ ўқувчиларнинг 12,5 минг нафарини мактабдан ҳайдашга тўғри келди.

Бундай нохуш ҳолатга барҳам бериш мақсадида вазирлик 22 миллион фунт стерлингга пейжер сотиб олиб ўйинқароқ ўқувчиларнинг ота-оналарига бепул тарқатиб берди. Бундан кўзланган мақсад шундай: мактаб маъмурияти дарсдан қочган бевош болаларнинг ота-оналарига зудлик билан хабар беради. Улар ўзларининг саёҳатчи болаларини топиб, бу "қуён"ларининг қулоғидан бураб мактабга олиб бориб беришади.

Ҳа, Англиядек тараққий этган эркин дунёда ҳам ёш авлоднинг илм-фан ўрганиши йўлида ҳар турли чоралар қўлланилишининг ажабланарли ери йўқ!

ПАРИЖ

ЎЛИМ ЭЛЧИСИНИ-ТОВУҚ ЎЗ ҚАНОТИ ОСТИГА ОЛДИ

Буюк Британия Тиббиёт Бош бошқармаси мамлакатдаги ҳамма шифокорларга маҳфий хат йўллади. Унда айтилишича, яқин орада гриппнинг ўта қалтис, хавфли тури эпидемияси тарақилиши мумкин. Обрўли, малакали мутахассислар фикрича, ҳозир дунёда мавжуд антибиотикларнинг бирортаси ҳам инсон ҳаётини аксари ҳолатларда ўлимга олиб борувчи гриппнинг бу янги вирусини енгишга қодир эмас. Касалликни ҳосил қилувчи манба - "Эйч-5" деб номланган вирус экани тасдиқланди. У ўтган йилнинг баҳорида Гонконгда кашф этилганди. Бу ўта хатарли вирус одамга қушлардан, хусусан товуқлар орқали юқаётир, дейишга олимлар қўлида етарли далиллар бор. Ҳозиргача "Эйч-5" вируси (бошқача айтганда "Товуқ гриппи")дан уч киши ҳалок бўлди. Улар фақат Гонконгда яшаган бўлиб ундан ташқарига чиқмаган эдилар.

Буюк Британиянинг айниқса илмий доираларида аввалроқ бундай касаллик Хитойнинг жанубий ҳудудларида ҳам учрагани ҳақида маълумотлар бор.

Айни кунларда Англия ва Шотландиядаги энг кўчли илмий лабораторияларда олимлар бу ажалхўр вирусга қарши дори-дармон яратиш учун кеча-кундуз тинмай изланишлар олиб боришмоқда. Шунда ҳам, бундай қаттиқ изланишлар самараси фақат 1998 йилнинг май ойларидагина илк самарасини бериши мумкинлигига умид боғлашмоқда.

Балодан - ҳазар

ГРИПП ДАН САҚЛАНИШ УЧУН:

Пўчоғи арчилмаган ярим дона лимон билан 5 палла саримсоқпиёзни ярим литрлик шиша идишга солинг. Устидан қайнатиб совутилган сув қуйиб, қоронғи жойга қўйинг. Уч-тўрт кундан сўнг эса буни музлатгич (холодильник)ка солиб қўйинг. Ҳосил бўлган суюқликни ҳар куни эрталаб наҳорда - нонуштадан 15-20 дақиқа олдин бир чой қошиқдан (катталар эса 1 ош қошиғидан) ичиб юринг. Бу табиий хонаки дори Сизни гриппдан сақлайди. Уни ичиб юрган одам умуман шамоллаш нималигини билмайди.

Жавохирот сандиғи

Букрот дейди:

-Иккки киши доимо бойдир ва ҳеч қачон камбағал бўлмайдир: бири - олим, иккинчиси қаноат эгаси.

ЁШ ИКТИСОДЧИ
YOSH IQTISODCHI
4, 5-сонлар
1998 йил
20 январь

ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ

Билли, Вилли ва Дилли яхши ният билан "Ёш мусиқачилар танлови!"га тайёрланишмоқда. Суратдаги иккита бир хил мусиқа асбобини топинг.

Нуқталарни бир-бирига тартиб билан уласангиз, Гасни океан ортида қандай махлуқ юрганидан хабардор этасиз.

Нуқтали фрагментларни бўясангиз, Гуфини ким қўрқитиб юборганини билиб оласиз.

Гуфига чўкиб кетган кемадаги хазинага етиб олишига ёрдам беринг.

4, 5-сонлар
1998 йил
20 январь

ЁШ ИҚТИСОДЧИ
YOSH IQTISODCHI

ҚЎЛИ ГУЛНИНГ ПУЛИ ИЗЗЛ!

ПУЛНИ - ҚЎЛ АСРАЙДИ

Ҳамма нарсани пулга сотиб олиш - энг ёмон иллат. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди, дейди халқимиз. Яна шундай ирим бор: битта бармоқни бир марта ўрашга етадиган ипни исроф қиладиган қизларнинг бахти бойланар эмиш. Кафтдек матони рўзғорга ишлатмасдан ташлаб юбориш увол бўларкан.

Оналаримиз бизга шундай таълим берадилар. Худо-беҳудага ота-оналардан пул сўрайверириш дангаса, укувсизларнинг иши. Қиз болалар уй-рўзғорни озода тутишни, тикиш, бичиш, тўқиш, ширинликлар пишириш, мева ва сабзавотларни қуритиб сақлаш, қишга консервалаб қўйиш сингари энг зарур вазифаларни бажара олиши зарур. Булар кундалик майда ишлар, лекин оила омборини асрайдиган, одамнинг топган пулини кўпайтирувчи омиллардан саналади. Ҳа, пулни - қўл асрайди.






1-машғулот

ТУГИБ-ТУГИБ ТЎҚИШНИ ЎРГАНАМИЗ

Қўлда тугиб-тугиб тўқиш санъати - шахсий иқтисод (тежамкорлик) омилларидан бири. Ахир чилвир (кир ёядиган ип) ёки бир қулоч арқон кимнинг уйида йўқ дейсиз?! Тикиш-бичиш чоғида кесиб ташланган мато четлари, узункалта тасмалар ҳар ерда хор бўлиб ётади. Ўзи ҳали пишиқкина, чидамли кийим-кечаклар ҳам турли сабаб билан (дазмолда бирор жойи куйибми) кийишга яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Ана ўшандай чиқитларни эни бир см. кенгликда узунасига кесиб ҳосил қилинган тасмаларни чийратиб эшиб тугунли тўқима учун хом ашё тайёрлаш мумкин.

Баҳорда қишлоқларда кесилган тол ёғочларнинг пўстлоқларидан ҳам улар хўл вақтларда яхшигина ёғоч ип-арқонлар ҳосил қилиш мумкин. Ана ўшаларнинг ҳаммаси Сиз учун янги буюмлар тўқишга асқотади.

Агар... агар чилвир ё эшма арқон, ипакми, канопми ё синтетик ип, ё чим арқон, қармоқ ип, тўр ип, жун ёки йўғон ип бўлса нур устига аъло нур! Муҳими, улардан эшиб тайёрланадиган тўқув ипи чийратиб эшилган бўлса бўлди. Шунда буюм тез титилиб кетмайди, тўзғимайди.

Шундай қилиб, газетамизнинг бугунги сонидан бошлаб тугиб-тугиб тўр тўқиш (макраме) санъати бўйича машғулотлар бериб борамиз.

Сиз бу ҳафта давомида тўқишга ип жамғаринг. Эшиб ҳосил қилган ипингиз гугурт чўпи ёки қалам йўғонлигида бўлсин.

Унгача юқорида берилаётган суратларни синчиклаб томоша қилинг ва ўзингизга жуда ёққанини келажакда тўқиш учун танлаб қўйинг.

Она билан бола,
Гул билан лола

ПЕЧЕНЬЕ

6 та тухум оқи,
200 гр. қанд упаси,
6 та тухум сариғи,
80 гр ёғ (маргарин, ўсимлик ёғи),
80 гр. ун,
80 гр. крахмал,
шоколадли глазурь.

Тухум оқини яхшилаб кўпиртириб, оз-оздан шакар ёки қанд упаси соламиз. Тухум сариғини алоҳида кўпиртириб, унга эритилган ёғ, 1 қошиқ крахмал билан аралаштирилган ун солинади. Тайёр хамирга аввал ёғ суртиб, кейин ун сепилган патнисга бир текисда тарқатилади. Ўрта оловда пушти ранг бўлгунча пиширилади. Совуганидан сўнг шоколадли глазурь суртиб, хоҳлаган шаклда кесиб дастурхонга тортилади.

Глазурь учун:

1 стакан сут, шакар,
1 қошиқ сариёғ,
2 қошиқ какао.

Тайёр шоколадни косага, косани сувли қозонга солиб, шу буғ тафтида озгина сут билан эритилса янада яхши.

"ТОШКЕНТ" САЛАТИ

500 гр. турп,
150 гр. пишган гўшт,
2 бош пиёз,
100 гр. сметана ёки майонез,
2 дона пишган тухум ва кўкатлар (безаш учун),
30 гр. ёғ,
туз, донали мурч - таъбга кўра.

Ёғни доғлаб, тўғралган пиёзни қовуриб оламиз, оловдан олиб совутамиз.

Турпни тозалаб, сомонча қилиб тўғраймиз, ярим соат совуқ сувда ушлаймиз (ёқимсиз ҳидини кетказиш учун). Сувни силқитиб, турпни майда сомонча қилиб тўғралган гўшт, пиёздоғ, туз ва мурч билан қўшиб, яхшилаб аралаштирамиз.

Тақсимчага уйиб солиб, устидан майонез ёки сметана қуйилади. Салатни тухум ва кўкатлар билан безаш Сизнинг маҳоратингизга боғлиқ.

ҚАЙМОҚЛИ ОЛМАЛАР

Пўстлоғи артилиб, уруғларидан тозаланган олмаларни иккига бўлиб, салгина ширин сувда пиширилади. Қаймоқ (сливки) ёки сметанани шакар билан қўшиб кўпиртирилади. Совутилган олмалар мўжазгина вазаларга терилади ва устидан тайёр қаймоқ қуйилиб, майдаланган ёнғоқ ва шоколад билан безатилади.

10 дона олма,
0,5 стакан шакар,
1стакан қаймоқ ё сметана.
Ёнғоқ, шоколад таъбга кўра.
Ўзингиз яхши кўрган мураббо шарбати ҳам қаймоқли олмаларга ажойиб таъм беради.

ДЎСТЛИК — БАРЧА БОЙЛИКДАН АФЗАЛ

Инсон эзгулик ва яхшилик учун яшайди. Донишмандларнинг айтишича, дўсти кўп одамнинг умри узун бўлармиш. Бунинг сабаби нимада? — деб сўрашганда, улар: «Инсондаги энг оғир кунларни дўстлар елкасида кўтаради ва унинг зиёни айтарли унча сезилмай ўтади. Хуллас, дўстлик — бу хушбахтлик калитидир» дея жавоб беришган экан.

Биз ҳам бугунги саҳифамизни умрбоқий дўстлик мавзуига бағишладик. Албатта, бунда сизлардан келган мактубларга таяндик. Азиз болалар, ўз дўстларингиз ёки дўстлик ҳақида албатта сизнинг ҳам ўз фикрингиз бор. Марҳамат, бизга ёзинг, ўртоқлашамиз.

НИМА ҚИЛСАМ ЭКАН?

Мен жуда кўп бадиий китоблар ўқиганман. Уларда тасвирланган инсонлар орасидаги дўстлик, эътиқодга ҳавасим келади. Ўзим китобдагига ўхшаган яхши дўстлар топишга интиламан. Ахир айтишадику, минг тилланг бўлмасин, мингта дўстинг бўлсин, деб. Айни пайтда сирдош, меҳрибон ўртоқларим, дугоналарим жуда кўп. Мен дўст танлашда уларнинг кийган кийимига, ота-онасининг мартабасига мутлақо эътибор бермайман. Фақат уларнинг характери менга ёқса бўлгани.

Аммо бир нарсадан баъзида ўкинаман. Нима учун қиз бола ўғил бола билан яқин дўст бўлса, дарров уни гап-сўз қилишади, устидан кулишади. Менинг ўғил болалардан ҳам ўртоқларим кўплиги сабабли, сезаман, чекка-чеккада мени ғийбат қилишгани-қилишган. Мен бунақа гап-сўзларга мутлақо эътибор бермайман. Лекин шу йўсинда кетаверса, атрофдагилар менинг келажагим ҳақида мутлақо бошқача фикрда бўлишади-ку. Шуларни ўйлаб туриб, ўғил бола дўстларим билан бутунлай алоқани узмоқчи ҳам бўлдим. Яна кўзим қиймади. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, улар шунақа меҳрибон, самимий, қандай қилиб шундай дўстликдан воз кечиш мумкин? Ўзимнинг акам, укамдай яқин бўлиб қолган ўртоқларим менинг ҳамма ишимга ёрдам беришади. Мен ҳам улардан ўз кўмагимни аямайман.

Айни пайтда бошим қотиб қолган. Нима қилсам экан, дўстларимдан воз кечайми ёки атрофдагиларнинг гап-сўзига парво қилмайми?

(Ўз илтимосига кўра мактуб эгасининг исмини келтирмадик)

Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туманидаги 26-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

МЕНИНГ МИРСАИД ДЎСТИМ

Яқинда 10 ёшга тўламан. Аямнинг айтишларича, анчагина ақлли бола бўлган эмишман.

Мен сизларга ўртоғим Мирсаид ҳақида айтиб бермоқчиман. У бизнинг қўшнимиз. Мендан атиги 1 ёш катта.

Бир куни иккаламиз уй олдида ўйнаб юрсак, бошқа маҳалланинг болалари келиб, менинг коптогимни олиб қўйишди. Коптогимни беринглар, десам, мана сенга копток деб, оёгимдан чалиб йиқитишди. Менинг уларга кучим етмасди. Чунки мен улардан кичкина эдим-да. Шу пайт мени йиқитган бошқа маҳаллалик болани орқасидан пойлаб келиб, икки қўлини маҳкам ушлаб олган Мирсаидга кўзим тушди. Мирсаид уни ушламаганда менинг яна калтак ейишим мумкин эди. Иккаламиз ҳалиги болаларни қочирдик.

Уша кундан бошлаб Мирсаидни ўзимга яқин ўртоқ деб билдим. У жуда ростгўй, сахий бола. Ҳадеб ўртоғини мақтайвераркан-да деб ўйламанг. Уни мақтасам ёлғон бўлмайди. Яна бир куни ҳовлиқчада ўйнаб юрганимизда шундоқ йўлакдан 100 сўмлик топиб олди. (Бирорта амакиники тушиб қолгандир-да). Кейин иккаламиз магазинга бордик. Ҳалиги пулга 2 та «Марс» шоколади сотиб олди ва биттасини менга берди. Роса маза қилиб едим.

Мен ҳам Мирсаиддан ҳеч нарсамни аямайман. Аям нима олиб келсалар, албатта ярмини унга бўлиб бераман. «Ана шундай дўст бўлинглар, хўпми, ўғлим», — дейдилар аям хурсанд бўлиб. Қизиқ, ўртоқ билан дўст деганлари бир нарсами ёки бошқа-бошқа нарсами, шуни билгим келиб, ўқитувчимиздан сурадим. Улар менга: «дўст дегани бу жуда чуқур маъноли сўз, дўсти кўп одам — дунёдаги энг бой одам» дедилар.

Мен мактабдан кела солиб бу гапни Мирсаидга айтдим. Уша кундан бошлаб иккаламиз дўст бўлдик. Мирсаидни сал кўрмай қолсам, дарров соғиниб қоламан, у ҳам мени тезда йўқлаб қолади. Ана шундай. Менинг Мирсаид дўстим жуда зўр бола.

Ҳумоюн ЖАББОРОВ, Тошкент шаҳридаги 269-мактаб ўқувчиси.



ИНСОННИНГ ДАРДИНИ ИНСОН КЎТАРАДИ

Бизнинг Бухорода яқин дўст бўлган қизлар бир-бирини «дугон» деб чақиради (яъни дугонани эркалаб айтиш маъносида). Мана яқинда 10-синфга ҳам ўтдик. Йил сайин дугоналарим билан янада қадрдонлашиб қолдим. Албатта, синфдош йигитлар билан ҳам ўзаро ўртоқмиз. Лекин улардан негадир кейинги пайтлар тортиниб қоларкансан одам. Мен дугоналарим Мунисхон ва Муборакларбилан болалигимдан бир қишлоқда ўсиб-улғайганим учунми жуда қалинлашиб кетганмиз.

Баъзан ниманингдир устида талашиб-тортишиб, жанжаллашиб қолгудек бўлсак, юрагим бирам сиқилиб кетадики, зўрга бир-икки кун гаплашмасдан юраман, холос. Улар гапирмаса ҳам, биринчи бўлиб бориб, ўзим уларни гапга соламан, ҳазиллашаман, хуллас, ярашиб кетамиз.

Баъзан дарс тайёрлаш баҳонасида бир уйга йиғилиб, тонггача сирлашиб чиқамиз. Ушанақа пайтларда хайрият ҳамма одамнинг ҳам дўсти бор, бўлмаса ичидаги сирлари, гаплари кўплигидан ўлиб қолиш ҳеч гап эмас, деб ўйлайман. Яқинда дугонам Муборак бувисидан эшитган бир ривоятни Мунис иккаламизга айтиб берди.

Қадимда бир савдогар бўлган экан. Уни барча дўстлари, яқинлари алдашибди, хиёнат қилишибди. Савдогарнинг бутун инсон зотидан кўнгли қолиб ҳеч кимсанинг қадами етмаган тоғларга чиқиб кетибди. «Шу ёлғончи, хиёнаткор одамлардан нима кўрдим, яхшиси ёлғиз ўзим яшайман», — дебди у ўз-ўзига аҳд қилиб.

Орадан йиллар ўтибди. Бир куни савдогар ўтин териб келаётса, олдидан катта қовоқ чиқибди. «Қизиқ, худди одамнинг шаклига ўхшаб кетаркан» деб ўйлабди у. Бир куни ўз-ўзидан юраги сиқилавергач, эсига ҳалиги қовоқ тушибди-ю, югуриб бориб, дардларини қовоққа айтибди. Ҳар кун шу ҳол такрорланаверибди. Охири бир кун қовоқ пақ этиб ёрилибди. Савдогар не кўз билан кўрсинки, ҳалиги қовоқнинг ичи тўла зардоб эмиш. Ушанда ҳамма сир-синоатни тушунган савдогар пешонасига битта урибдию, «инсоннинг дардини фақат инсон кўтараркан, мен бу ерларда нима қилиб юрибман ўзи, ундан кўра кўнглимга мос дўст топсам яхши бўлармиди» деганча дўст излаб йўлга тушибди.

Менга бу ривоят жуда қаттиқ таъсир қилди. Одамлар бир-бирини тушуниб, дўст бўлиб яшаса қандай яхши! Ҳар гал Мунис, Нигора, мен бирга бўлиб қолсак, негадир вақтимиз хурсандчилик билан ўтади. Ушандай пайтлар хайрият, сизлар борсиз, менинг дўстларим, бахтимга доим омон бўлингиз, деб ҳайқиргим келади. Икки ёнида икки дўсти кулиб турган одамдан ҳам бахтли одам борми, дунёда?!

Мўътабар СОЛИЕВА, Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги 6-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

ЛОБАРНИ СОҒИНАМАН

Мен 9-синфда ўқийман. Лобар деган яқин дугонам бор эди. Биз у билан қўшни турамиз. Болаликдан бирга ўсганмиз. Мактабга ҳам бирга бордик. Ҳамма ишни иккаламиз келишиб қилардик. Нимаики масала туғилиб қолса, бирга ечардик. Синфдошларимиз ҳазиллашиб бизни эгизаклар, дейишарди. Утган йили синфимизга бошқа шаҳарлик янги қиз келди-ю, бизнинг дўстлигимизга дарз кетди. Янги келган қиз Лобар билан дарров тил топиша қолди. У қизни ҳар куни дадасининг машинаси мактабга ташлаб, дарс тугагач, олиб кетади. Дадаси қаердадир раҳбар бўлиб ишлайди. Назаримда у қиз ўзини кўз-кўз қилишни яхши кўради. Ҳа, майли, бу ўзининг иши. Лекин энг ёмони, у менинг Лобаримни мендан ажратиб қўйди. Ҳозир Лобар билан у қиз шунақа яқин, қадрдон бўлиб кетишганки, бир пайтлардаги менинг дўстим Лобар менинг борлигимни ҳам унутиб қўйган. Мен билан ўз-ўзидан гаплашмай қўйганига ҳам анча бўлди. Гаплашмаганининг устига устак янги қиз билан тинмай мен ҳақимда билган сирларини ғийбатлашиб, устимдан кулишади. Кийган киймимни, юришимни масхара қилишади. Ушандай пайтларда бирам сиқилиб кетаманки, нима қилишни билмай қоламан. Ўйлайўйлай охир Лобарга хат ёздим. Хат ёзиб, бошимга бало орттирган эканман. Янги қизга бу хат дастак бўлди. У ёққа ўтсам ҳам, бу ёққа ўтсам ҳам менга «ғурурсиз», деб таъна тошлари отади.

Мен Лобарнинг менга қилган хиёнатини сира-сира туш унмайман. Наҳотки, дўстлик мансаб ёки либос билан ўлчанса?! Лекин негадир Лобар билан бирга ўтган болалигимни жуда қўмсайман. У жуда самимий қиз эди-ку, уни нима ўзгартирди экан?

Қачонлардир мен билан жуда яқин дўст, сирдош бўлган Лобарни соғинаман. Қанийди, шуларни Лобар тушунсайди.

Шаҳзода, Фарғона вилояти, Учкўприк тумани.

Навоийхонлик

«Маҳбуб ул-қулуб» сабоқлари

«Маҳбуб ул-қулуб» («Кунгилларнинг суйгани») — Алишер Навоийнинг умри охирида ёзилган йирик асаридир. Навоий бу асарни яратишдан кўзлаган мақсади ҳақида асар муқаддимасида шундай ёзади: «...Болаликдан то қариликка қадар... ҳар товур равишда бўлдим... Яхши-ёмоннинг хизматини қилдим, катта-кичикнинг суҳбатида бўлдим, гоҳ хорлик ва қийинчилик вайронасида нола қилдим, гоҳо иззат ва маъмурлик бўстонида мажлис қурдим... Катта-кичикнинг феъли атворини ургандим, яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим, яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, заҳрини тотиб кўрдим... Шу жиҳатдан, ҳамсуҳбатларни ва дўст-ёронларни бу ҳолардан огоҳ ва хабардор қилмоқ вожиб кўринди...»

«Маҳбуб ул-қулуб» уч қисмга бўлинган бўлиб, биринчи қисмда ҳар хил одамларнинг феъл-атвори ва аҳволи, иккинчи қисмда яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати, учинчи қисмда эса турли фойдали кузатишлар хусусида сўз боради.

Азиз болалар, ҳозир ана шу асарнинг саховат хусусидаги бобидан бир парчани эътиборингизга ҳавола этамиз.

САХОВАТ

Ҳиммат эгаси — қашшоқ бўлса ҳам тубанлик қилмас, ҳимматсиз одам — хазина топса ҳам буюкларга тенг бўлмас...

Исроф қилиш — сахийлик эмас, ўринсиз совуришни ақлли одамлар сахийлик демас. Ҳалол молни қўйдирганни девона дейдилар, ёруғ жойда шам ёққанни ақлдан бегона дейдилар...

Битта кулчани икки бўлиб, ярмини оч одамга берганни сахий деб, ўзи емай, ҳаммасини муҳтож одамга берганни ахий дўст[1] деб бил...

Болалар, ушбу фикрлар Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» китобидан келтирилди. Ана шу фикрлардан келиб чиқиб, Ҳотамтой ва Чўпон ҳақидаги ҳикоятни эътиборингизга тақдим этамиз.

ҲИКОЯТ

Ҳотамдан:

— Узингдан сахийроқ кишини ҳеч кўрганмисан? — деб сўрашибди.

— Ҳа! — дебди у. — Бир куни бир етимчанинг уйига кириб қолдим. Унинг ўн беш қўйи бор эди. Дарҳол бир қўйни сўйиб, пишириб, менинг олдимга олиб келди. Қўй гўштининг бир жойи менга ёқиб қолдию, мен: «Худо ҳаққи, жуда лаззатли экан», — дедим.

У йигит ташқарига чиқиб қўйларни бирин-кетин сўйиб, менга маъқул тушган жойини пишириб, менинг олдимга қўяверибди. Менинг эса бу ишдан хабарим бўлмабди. Ташқарига чиқиб отга минай деб турганимда, ҳовлида жуда кўп қон тўкилганини кўриб, сабабини сўрадим.

— У ҳамма қўйларини сўйди, — дейишди.

— Нега бундай қилдинг? — деб қойий бошладим.

— Худога шукурки, менинг бир нарсам сенга ёқиб қолибди, агар хасислик қилганимда менинг шаънимга тўғри келмасди.

— Бунинг эвазига сен нима бердинг? — деб сўрашибди.

— Уч юзта саман туя ва беш юз бош қўй, — дебди Ҳотам.

— Бундай бўлса сен ундан олийҳимматроқ экансан-да, — дейишган экан, Ҳотам шундай жавоб берибди:

— Ҳайҳот!.. У бор-йўғининг ҳаммасини берган эди. Мен эса бор нарсамдан бир қисминигина бердим, холос.

Агарда уйидан чиқариб берса
Бору йўқ яримта нонини гадо.
Ярим хазинасин берган подшодан
Сахийлик бобида шу гадо авло.

1 Азиз дўст.

Қишки таътил кунлари ҳам тугаб, мактабларда учинчи чорак дарслари бошланиб кетди. Ўқув йилида ҳал қилувчи чорак бўлган даврда мактабларда турли фанларга оид кўрик-танловлар, мусобақалар бошланиб кетади. Ўқувчилар турли дарслар бўйича фан олимпиадаларида қатнашиб, юксак ютуқларга эришадилар.

Республика олимпиадаларида ғолиб бўлган ўқувчилар эса олий ўқув юртига кириш имтиҳонларидан озод бўлиб, талаба деган номга сазовор бўладилар.

Ўзбекистон телевидениесининг «Болалар» Бош муҳарририяти ҳам янги йилдан бошлаб талай кўрсатувлар тайёрлаяпти.

«Оила йили» муносабати билан оилавий беллашувга асосланган «Омад юлдузи», маҳалла болалари билан турли мусобақалар уюштириладиган «Маҳалламиз болалари» каби туркум кўрсатувлардан ташқари «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Ўйла, изла, топ!», «Яшил чироқ», «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз» каби қатор кўрсатувларда ўткир зеҳнли ўқувчилар ўз билимларини синовдан ўтказадилар. Ўсмирлар учун бериб борилаётган «Нурли келажак» видеоканали орқали «Ўзбекистон — Ватаним маним!» ишо кўрик-танлови ҳақида эшитгансиз. У шу йилнинг Наврўз байрами кунлари арафасида якунланади. Шу кунга қадар ушбу кўрик-танловга Республикамизнинг барча вилоятларидан жуда кўплаб иншолар келаяпти. Иншо муаллифлари Ватан туйғуларини дил сўзлари билан ифода этмоқдалар. Мана бу мактубни биз Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 35-ўрта мактаб ўқувчиси Наргиза Сиддиқовадан олдик. Биз унинг иншосидан айрим мисраларни сизга ҳавола этмоқчимиз.

«...Курраи заминимиз бутун Ер юзида яшаётган беш миллиарддан зиёд халқлар учун тақдиран ва тарихан ато этилган ҳамда чегараланган ҳудуд — Она Ватандир!

Ўзбекистон истиқлол туфайли ўз эркига эга бўлди. Шу эрк туфайли Ватанимиз ҳурликка эришди. Ватаним Онам каби ягона! Шу Ватанимни кун чиқар мамлакат деб атаганлар.

Мен Ватанимни кишанларсиз, зулматларсиз кўрдим. Пешонам ёруғ экан, Ватан олдидаги бурчларим ҳақида ҳали кўп ўйлашим керак. Мен — Ватанимда шоҳман!...»

Ҳа, худди шу мазмундаги мактублар муҳарририятимизга жуда кўплаб келаяпти. Уларнинг ҳар бири ижодий ходимларимиз нигоҳидан ўтади. Ғолиб ўқувчиларни «сирли» совғалар кутади. Уларга сиз ҳам эришишингиз мумкин. Хатларингизни кутамиз, азиз ўқувчилар!

1998 йил 19-25 январь кунлари сиз азиз ўқувчилар учун тайёрланган кўрсатувларимиз қуйидагилардан иборат.

Марҳамат, томоша қилинг!

ДУШАНБА, 19 январь.

Ўз.ТВ. I дастур.

18.10. «Ажойиб гилам». Мультфильм.

20.10 «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ. 2 дастур.

18.20. «Ёрилтош». Мульттўплам.

18.45 «Табиат дунёси».

Ўз.ТВ. 4 дастур.

18.45 «Мульттомоша».

СЕШАНБА 20 январь.

Ўз.ТВ. 1 дастур.

10.30. Адабиёт.

11.00. Инглиз тили.

11.30. Ўзбекистон тарихи.

18.20. «Компьютер сабоқлари». Кўрсатувда алгоритм ҳақида суҳбат ўтказилади. Кўрсатувни педагогика фанлари номзоди, доцент, олий тоифадаги ўқитувчи Турғун Азларов олиб борадилар.

20.10. «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ. 2 дастур.

18.15. «Ёрилтош». Мульттўплам.

Ўз.ТВ. 4 дастур.

18.50. Мульттомоша.

ЧОРШАНБА, 21 январь

Ўз.ТВ. 1 дастур.

10.30. Умумий биология.

11.00. Она тили.

12.00. «Мактублар — кабутарлар».

18.10. «Бешбармоқ». Кўрсатувда андижонлик болалар ҳаётидан олиб келинган видеолавҳалар намойиш этилади.

20.10. «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ. 2 дастур.

18.15. «Ёрилтош». Мульттўплам.

18.30. «Табиат дунёси».

Ўз.ТВ. 4 дастур.

18.50 «Мультолам».

ПАЙШАНБА, 22 январь

Ўз.ТВ. 1 дастур.

10.20. «Маҳмадона». Мультфильм.

10.30. Физика.

11.00. Янги алифбони ўрганамиз.

11.30. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.

18.10. «Хўжа Насриддин» Мультфильм.

20.10. «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ. 2 дастур.

9.00. «Мультпанорама».

9.15. Сув ости дунёсига саёҳат.

18.15. «Бўш ўтирма». Болалар учун дастур.

Бўш ўтирма

Тошкентдаги телекўрсатувлар минорасининг баландлиги ёзда қанча бўлади?

Жавоб: (Маълумки, Тошкент минорасининг баландлиги 300 метр. Лекин 100 метрлик металл стержень 1 даража иситилганда 1 мм га узаяди. Иккинчи томондан Тошкентда ҳарорат йил давомида ўзгариб туради. Шу сабабдан металл ҳароратининг 15 ^{0}C дан 65 ^{0}C гача қизишини ҳисобга олсак, Тошкент минорасининг баландлиги тахминан 15 см га ўзгариб туради.)



Ўз.ТВ. 4 дастур.

18.45. Мульттомоша.

23.05. «Етти ёшдан — етмиш ёшгача».

ЖУМА, 23 январь

Ўз.ТВ. 1 дастур.

10.05. Немис тили.

18.10. «Бировнинг устидан кулма». «Баджаҳл Бомбир» Мультфильмлар.

20.10. «Оқшом эртаклари».

21.00. «Иқтисод алифбоси».

Ўз.ТВ. 2 дастур.

9.00. «Бўш ўтирма». Болалар учун дастур.

18.15. «Бугуннинг боласи».

18.35. «Аралаш». Юмористик киножурнал.

Ўз.ТВ. 4 дастур.

18.45. Мульттомоша.

ШАНБА, 24 январь

Ўз.ТВ. 1 дастур.

10.50. Санъат ғунчалари.

13.25. «Кичкинтой устахонаси».

18.00. Мультолам.

19.50. «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ. 2 дастур.

9.00. «Бугуннинг боласи».

9.20. «Аралаш». Юмористик киножурнал.

18.15. Боланинг тили.

18.30. «Сув ости дунёсига саёҳат».

Ўз.ТВ. 4 дастур.

11.10. Биргаликда куйлайлик.

12.25. «Шанба эртаги».

18.45. «Мульттомоша».

19.50. Шанба оқшомида.

ЯКШАНБА, 25 январь

Ўз.ТВ. 1 дастур.

8.25. «Камалак». Болалар учун кинодастур.

11.00. «Ватанимга хизмат қиламан».

11.40. «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.

14.25. «Цирк, цирк, цирк!».

15.15. «Нурли келажак». Ўсмирлар учун видеоканал.

18.00. «Ўйла, изла, топ!». Телеўйин.

Ўз.ТВ. 2 дастур.

9.00. «Боланинг тили».

9.15. «Сув ости дунёсига саёҳат».

18.15. Мультпанорама.

18.35. Сув ости дунёсига саёҳат».

18.55. «Синфдош».

Ўз.ТВ. 4 дастур.

9.00. «Хайрли тонг!».

9.55. Якшанба эртаги.

18.45. Мульттомоша.

Кўрсатувларимиз ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг!

Тоҳир МУЛЛАБОЕВ.

Туш — кинога ўхшайди

«АҲМАДЖОН ДЕГАН БОЛАНИНГ БОҒЧАГА БОРГИСИ КЕЛМАЙ ҚОЛГАНИ ҲАҚИДА»

Аҳмаджон деган болакай эрталаб турди-ю, бирдан боғчага боргиси келмай қолди. «Яна ухлагим келяпти» деб урнида думалаб йиғлади. Аяси кийдирган кўйлакчасини ечиб ташлади. Бобоси берган ёнғоқу-баргакларни отиб юборди.

Қисқаси, кўпчиликка таниш манзара содир бўлди. «Бормайман!» деб туриб олди, — вассалом!

Дадаси «Юр, ўзим боғчага олиб бориб қўяман! Ишдан қайтишда ўзи юрадиган машина олиб келаман» деб ялиниб кўрди. Опаси мактабдан келаётганда «сақич» ваъда қилди — барибир бўлмади.

Дадаси ишга, опаси ўқишга шошиб туришган эди. Ҳаммалари ялиниб-ёлвориб кўришди. Барибир кўнмади. Шунда, оппоқ соқоли кўксига тушадиган, букчайиб ҳасса таяниб юрадиган бобоси хўрсиниб қўйди:

— Э, қанийди, мен боғчага борсам! — деди у бошини сараксарак қилиб. — Маза бўлардида! Сут ичардим... Ширгуруч ердим... ўйинчоқлар ўйнардим. Мени олиб бориб қўяқолмайсизларми-а?...

— Ана кўрдингми, Аҳмаджон? — деди аяси қойиниб, — Бобонгни боғчага боргилари келяптию, сен эса йўқ дейсан. Турақол!

— Йўқ, турмайман! — деди Аҳмаджон ўжарлиги тутиб. — Ана, бобом бора қолсинлар!...

Зум ўтмай, бобо ҳассасининг дўқиллагани эшитилди.

— Ҳа, дада, саҳарлаб йўл бўлсин? — деди Аҳмаджоннинг дадаси ҳайрон бўлиб.

— Боғчага кетяпман, боғчага! Уртоқларим кутиб қолишади, — овози келди бобосининг ва сал ўтмай эшикнинг очилиб ёпилгани эшитилди. Аҳмаджоннинг дадаси эса елкасини қисганча қолди. Аҳмаджоннинг кулгиси қистади. «Бобом ҳазиллашаяптилар, ҳозир қайтиб келадилар» — ўйлади у. Аммо, бобосидан дарак бўлмади.

«Ростдан ҳам боғчага кетиб қолган бўлсалар-а?» — хаёлга берилди у ва шифтга тикилганча ўйланиб қолди. — Борсалар, роса қизиқ бўлади-да! Ҳеч қайси болалар келишмаган бўлса. Улар ўрнига боболари-бувилари «боғча болалари» бўлиб юришса! Латифжоннинг кўзойнакли бувиси, Раҳиманинг бақироқ, кулоғи гаранг бобоси, Абдужалилнинг юрганда паровозга ўхшаб пишиллаб юрадиган бақалоқ бобоси... Кейин, Мунисниг бобоси, Олиянинг бувиси...

Ҳаммалари ўтириб ширгуруч ейишса, ўйинчоқ талашишса, расмлар чизишса, қувлашмачоқ ўйнашса, ҳўп қизиқ бўлардида!...»

Аҳмаджон шуларни ўйлайўйлай, киприклари ўз-ўзидан юмилдию, яна ухлаб қолди.

«ЭРТАЛАБКИ НОНУШТА ЁКИ КИМ ҚАНЧА ШИРГУРУЧ ЕЙДИ?...»

— Э, боғча опа! Ширгуручингни тезроқ олиб келақол! — деди Абдужалилнинг бақалоқ бобоси. — Қорин очиб кетди-ку!

— Оббо, намунча имиллама-са-а? — деди Латифжоннинг кўзойнакли бувиси. — Ҳали турмушга чиқмаган қиз шунақа судраладими? Эртага турмушга чиқса, эридан тоза эшитадиганини эшитади-да!

— Ҳозир, ҳозир! — деди тарбиячи опа қўли-қўлига тегмай елиб-югураркан. — Жон бобожонлар, жон бувижонлар! Сал шошмай турингглар, ҳозир!

— Нима деяп-ти-и? — бақирди Раҳиманинг қулоғи оғирроқ бобоси бўйнини чўзиб.

— Ҳозир ширгуруч бераман деяпти-и-и! — унга жавобан бақирди Мунисниг бобоси.

— Гуруч? — чала-чулпа эшитди Раҳиманинг бобоси. — Қанақаси экан? Девзирами, кенжоми?

— Ош, ош! — қўлини оғзига олиб бориб кўрсатди Аҳмаджоннинг бобоси. — Шир-гу-руч!... Тушундингми?

— Ҳа-а, паловми? — илжайди Раҳиманинг бобоси мамнун бўлиб.

— Каша деб қўяқолмайсанми? — тажанглиги тутди Абдужалилнинг бақалоқ бобосининг ва Раҳиманинг бобосининг қулоғига қичқирди. — Каша! Тушундингми? Ка-ша!

— Ҳа-а... — яна бошини лиқиллатди Раҳиманинг бобоси. — Косада берарканми?

— Йўқ, тоғорада бераркан! — баттар асабийлашди Абдужалилнинг бақалоқ бобоси.

— Сенга қозони билан берақолсин, очопат! — унинг семиз қорнига ишора қилиб кулди Раҳиманинг бобоси.

Ҳаммалари гурр кулиб юборишди.

— Ҳеч балони эшитмайдию, яна ҳазил қилганига ўлайми? — тишсиз оғзини қийшайтириб кулди Латифжоннинг кўзойнакли бувиси.

— Эшитдингми, боғча опа? — деди Мунисниг бобоси ёнидаги шерикларини кўрсатиб. — Ширгуручни ҳамманинг гавдасига қараб олиб келаркансан! Бунисига тоғорада, унисига қозонда!...

Патнис кўтариб келаётган тарбиячи опа ҳам кулгидан ўзини тиёлмади. Стаканлардаги ширин чойлар ҳам бир-бирига урилиб жаранглаб кетди. Гўё улар ҳам «боғча болалари» бўлиб қолган боболар ва бувиларнинг кулгисига қўшилгандек бўлдилар...

«О» ҲАРФИ НИМАГА ЎХШАЙДИ? ЧИЛДИРМАГАМИ? ҒИЛДИРАККАМИ? ЛАГАНГАМИ Ё ОФТОБГАМИ?...»

Эрталабки нонуштадан кейин расм чизиш машғулоти бошланди.

Тарбиячи опа ҳамма бобо ва бувиларга расм дафтар билан буёқ қаламлар улашиб чиқди-да, эълон қилди:

— Ким нима истаса, шуни чизсин! Кимнинг расми яхши чиқса шоколад берилади!

Бобо-бувилар қувонгандаридан чапак чалиб юборишди.

— Ур-ре, маза қиладиган бўлдик!

— Менга ишкаладди ўрнига Тўлаган пакананикидан нос олиб келиб берақол, барака топгур! — деди Абдужалилнинг бобоси қорнини ушлаб куларкан.

— Нос зарарли нарса, бобожон, — тушунтирли тарбиячи опа. —

УКАЖОНЛАРИНГИЗ БИЛАН БИРГА ЎҚИНГ!

Болалар, ёдингизда бўлса, Республикамиз Мустақиллигининг 6 йиллиги нишонланаётган кунларда бир гуруҳ ижодкорлар «Болалар учун ёзилган энг яхши китоблар учун» танловининг ғолиби бўлган эдилар.

Улар орасида газетамизнинг фаол муаллифларидан бири, ёзувчи Эркин Усмонов ҳам бор эди.

Эркин акангизнинг совринга сазовор бўлган «Туш — кинога ўхшайди» номли ушбу тўпламида укажонларингиз ва сингилларингиз ҳаётидан олинган, ўзлари каби қувноқ воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилинади. Ушбу тўпламга кирган қисса ва ҳикоялар сизлару, ота-оналарингизни ҳам бефарқ қолдирмаса керак? Чунки, ҳаммамиз ҳам ўз вақтида кичкинтой ва эркатой бўлганмиз. Шундай эмасми?

Эркин акангизнинг ушбу китобчаси тез орада «Ёзувчи» нашриётида босилиб чиқади. Ўйлаймизки, сиз бу китобчани албатта топиб ўқийсиз.

Ҳозир, «ТУШ — КИНОГА ЎХШАЙДИ...» ҳазил-қиссасини укаларингиз билан бирга ўқиб чиқиб фикрларингизни бизга ёзиб юборинг.

Шоколадда бўлса, витаминлар бўлади. «А», «В»...

— Ана кўрдингми? — Абдужалилнинг бобосига тегишди Аҳмаджоннинг бобоси. — Сенда «А» витамини етишмайди!

—Нега етишмас экан? Сен қаёқдан биласан? — жаҳли чиқиб кетди Абдужалилнинг бобосини.

— «А» витамини етишганда ақллироқ бўлардинг-да! — кулди Аҳмаджоннинг бобоси.

Яна ҳаммалари кулиб юборишди.

Шу тариқа расм чизиш машғулоти бошланди.

— Сен нимани расмини чизяпсан? — суради Раҳиманинг қулоғи оғирроқ бобоси.

— Гулни! — деди Латифжоннинг кўзойнакли бувиси.

— Пулни? — ҳайрон бўлиб суради Раҳиманинг бобоси ва овозини пасайтириб суради. — Узимизникиними ё долларними?

— Қулоқни чизяпман, қулоқни! — жаҳли чиқиб бақирди Латифжоннинг кўзойнакли бувиси.

— Ҳа-а, бузоқни демайсанми? — уни ўзича «тушунди» Абдужалилнинг бобоси.

— Қаний, сен нимани чиздинг? — Аҳмаджоннинг бобосини елкаси оша секин мўралади Абдужалилнинг бақалоқ бобоси.

— Мана! — кўрсатди Аҳмаджоннинг бобоси расм дафтарини кўрсатиб. — Қалай ўхшабдими?

— Нима бу? — тушунмади Абдужалилнинг бақалоқ бобоси. — Мошинанинг гилдирагими?

— Йўқ, чирманда! — қошлари чимирилди Аҳмаджоннинг бобосини.

— Нулгаям ўхшаркан, — деди яна Абдужалилнинг бобоси.

— Ўзинг нулсан! — деди Аҳмаджоннинг бобоси жаҳли чиқиб.

— «О» ҳарфигаям ўхшаркан, — деди Мунисниг бобоси улар тарафга мўралаб.

— Нима десанглар, ўша! — расм дафтарини бекитиб олди Аҳмаджоннинг бобоси.

— Қизғанчиқ чол! — бақирди Абдужалилнинг бобоси пишиллаб. — Мактабда ўқигандаям шунақа кўчиртирмасдинг, ҳалиям шунақа экансан! Мана, ўзим ҳам думалоқ халқа чизишни биламан!

— Билсанг, чиз! — деди Аҳмаджоннинг бобоси.

— Чизаман! Кўрасан! — деди Абдужалилнинг бобоси аразлаб.

Шу пайт уларнинг ёнига тарбиячи опа яқинлашди.

— Нега уришаяпсизлар, бобожонлар? — суради у мулойим товушда.

— Мана бу, мен чизган расмимдан кўчирмоқчи! — кўрсатди Аҳмаджоннинг бобоси Абдужалилнинг бобосини кўрсатиб.

— Ҳечам-да! — бўш келмади Абдужалилнинг бобоси. — Мен ўзим лагаднинг суратини чизаётувдим, уникига ўхшаб қолибди. Шунга тўполон қиляпти!

— Алдаяпти! — норози оҳангда деди Аҳмаджоннинг бобоси.

— Қуйинглар, талашманглар! — деди тарбиячи опа расм дафтарга энгашиб. — Мана бундай қилсак, сизники кулча нон бўлади. Мана, қаранг, ўхшадими?

— Ёпирай, худди ўзи-я! — деди Аҳмаджоннинг бобоси соқолини тутамлаб.

— Сизникини эса бундоқ-бундоқ қилсак, худди нур сочиб турган қуёшга ўхшайди. Мана, қаранг! — деди тарбиячи опа.

— Ана холос, битта думалоқ чизиқдан шунча нарса чизса бўларканда-а? — астойдил ажабланди Абдужалилнинг бобоси.

— Сен бўлсанг, лагандан бошқа думалоқ нарсани билмайсан! — деди Аҳмаджоннинг бобоси илжайиб.

Ҳаммалари кулиб юборишди...

«ҲОВЛИДАГИ ЎЙИНБУЗУҚИЛИКЛАР»...»

— Энди ҳовлидаги майдончага чиқамиз! — эълон қилди тарбиячи опа.

Бобожонлар билан бувижонлар дафтар-қаламларини йиғиштириб қўйиб, ташқарига отилдилар.

Ҳаво мусаффо. Кўк юзида қуёш чарақлаб турарди. Соя-салқин дарахтзорлар орасидан ўтиб, ўйин майдончасига чиқишди.

— Вой-бу, маза-ку! — деди Абдужалилнинг бобоси илжайиб.

— Юр, арғимчоқ учамиз! — деди Латифжоннинг бувиси Олиянинг бувисига.

— Яна кўзойнагингни синдириб, йиғлаб юрма! — деди Мунисниг бобоси.

— Сени ишинг бўлмасин! — деди Латифжоннинг бувиси тилини кўрсатиб, — Ўзимиз биламиз!

Иккала буви кулиша-кулиша галма-галдан арғимчоқ уча бошлашди. — Юринглар, қувлашмачоқ ўйнаймиз! — шерикларига яқинлашди Раҳиманинг қулоғи оғирроқ бобоси.

— Мени оёғим ярамайди, — афсуслангандек бош чайқади Аҳмаджоннинг бобоси ҳассасига ишора қилиб.

Раҳиманинг бобоси Абдужалилнинг бобосига юзланди.

— Нима, сени қорнинг ҳалал берадими? — деди илжайиб.

— Э, бор, бор, тошингни тер! — деди Абдужалилнинг бобоси.

— Ни-ма? — бақирди Раҳиманинг қулоғи оғирроқ бобоси.

— Тошингни тер деяпман! — қичқирди Абдужалилнинг бобоси.

— Ҳа-а... Тераман, тераман! — деди Раҳиманинг бобоси ва қийиқчасини ечиб нарироқдаги ўтлоқ тарафга кетди.

— Нима қилмоқчи? — суради Аҳмаджоннинг бобоси.

— Тошини термоқчи! — кулди Абдужалилнинг бобоси.

— Йўғе! ...Ия, қара! Нима қиляпти ўзи? — бақириб юборди Аҳмаджоннинг бобоси.

Бу пайтда Раҳиманинг бобоси барра ўтларни юлиб қийиқчасига йиға бошлаган эди.

— Нима қиляпсан ўзи, калласи ишламаган чол? — деди Аҳмаджоннинг бобоси унинг тепасига келиб.

Раҳиманинг бобосини қулоғи оғирроқ эмасми, индамай ишини давом эттираверди.

— Ҳо-ой! Сенга айтяпман! — қичқирди Аҳмаджоннинг бобоси Раҳиманинг бобоси олдидаги қийиқчага йиғилган ўтларни тўкиб ташларкан.

— Вой, бу нима қилганинг? — ўрнидан инқиллаб турди Раҳиманинг бобоси.

— Бу нима? — ўдағайлади Аҳмаджоннинг бобоси юлиб ташланган бир қулоч ўтларни кўрсатиб.

— Нима қибди? Ўйдаги қўйларимга тераяпман. Исвежий ўтлар экан. Сенам теравер, ҳаммамизга етади! — деди Раҳиманинг бобоси бепарво оҳангда.

— Мумкин эмас! — Аҳмаджоннинг бобоси унинг елкасига тортиб, бошини чайқади. — Калланг ишлайдими ўзи? Уят бўлади-я! Ай-яй-яй!...

(Давоми бор).

Савол: Эъитбор берган бўлсангиз, саргузашт фильмларда поезддан сакраётган қаҳрамон қўлидаги юкни орқага қараб отади, ўзи эса ҳаракат йўналиши бўйлаб олдинга қараб сакрайди. Нега?

Бўш ўтирма

Поезддан сакраш

Жавоб: Инерция қонунига кўра, поезддан сакраётган кишининг гавдаси илгарилама ҳаракатини давом эттиради. Бу илгарилама тезликни камайтириш учун одам орқага қараб юриши керак-ку! Ҳа, жонсиз жисмлар учун бу гап тўғри.

Лекин гап фақат поезддан сакраб, тезроқ тўхташда эмас. Балки сакраб тикка оёқда туриб қолишда ёки йиқилса ҳам соғ-саломат қолишда ҳам. Киши сакраганда оёқлари ерга тегиб, ўз ҳаракатини тўхтатади, лекин гавдасининг тепа қисми илгарилама ҳаракатда бўлади. Йиқилмаслик учун биринчи навбатда илгарилама ҳаракатни секинлаштириш лозим. Бунинг учун эса оёқлар ҳам илгарилама ҳаракат қилиб, гавданинг тепа қисми каби бу ҳаракатни қисман қоплаши лозим. Бу билан киши гавда мувозанатини сақлашга интилади ва имкон борича бу ҳаракатга у оёқларни ерга тираб қаршилик қилиши лозим бўлади. Иккинчи томондан, бу ҳаракатни етарлича қоплай олмасдан йиқиладиган бўлса, орқага қараб йиқилгандан кўра олдинга қараб йиқилган маъқул.

Мусиқа ва ҳаёт

ҚАЙДАСАН, СУРХОНДАГИ БОЛАЛИК?..

«Байрам» гуруҳининг қўшиқлари ва улар ишлаган видиолавҳалар кўпчилигимизга манзур бўлаётгани ҳақиқат. Яқинда шу гуруҳ хонандаси Шуҳрат Каримов «Байрам»дан кетибди деган гапни эшитиб қолдим. Шу рост гапми ёки ҳар бир хонанда атрофида айланиб юрувчи ўзимизнинг ўзбекча миш-мишми?

Гуруҳ мухлиси Гулзода Зокирова, Шаҳрихон тумани.

Мактуб баҳона «Байрам» гуруҳи хонандаси Шуҳрат Каримовни муҳарририятимизга таклиф қилдик. Ойнаи-жаҳон орқали бизга яхши таниш бўлиб қолган Шуҳрат болалик ҳақидаги саволларимизга қуйидагича жавоб берди:

— Ростини айтсам, ҳали-ҳануз болалигимни соғинаман. Болаликдаги шўхликларимни, эртадан кечгача дўмбира чалиб қўшиларни безовта қилганимни кўмсайман. Сурҳон воҳасида ўзим билан тенг улгайган болача орзуларим ҳозиргача мени тарк этгани йўқ.

— Дадам Салим Каримов — вокал чолғу оркестрида созанда. Онам Санобархон — шифокор. Оилада уч фарзандмиз. Икки ўғил, бир қиз. Мен кенжасиман. Шахсий ҳаётимга келсак, уйланганман. Рафиқамнинг исми — Лена.

— Болалигингизда кўпроқ нима билан машғул бўлардингиз?

— Етти ёшимда Успенский номли республика мусиқа мактабига қабул қилиндим. 1—3 синфгача скрипка чалиш бўлимида ўқидим. Ёшлигимдан зарб асбобларини чалишга қизиқардим. Кейинги таҳсилни зарб асбоби устаси, Ислом ака Ғаниев қўлида давом эттирдим. 1988 йилда Наманганда республика зарб асбоблари кўрик танлови бўлди. Кўрик танловда биринчи ўрин менга насиб этди. Айниқса, 1989 йилдаги қувончли кун ҳамон ёдимда. Ўшанда Прагада духовой оркестр бўйича кўрик танлов бўлганди. Икки шарт билан, яъни ижро этиш усули ва сафда юриш маршида қатнашдик. Ижро бўйича биринчи ўринни, сафда юриш маршида эса грамплинни қўлга киритганмиз. Ўзбекистон шарафига бўлган олқишлар ҳозиргача кўз олдимдан кетмайди. Кейин бир-биридан яхши кунлар, омадли танловлар менга ҳамроҳ бўла бошлади. 1990 йилда Олмаотада бўлиб ўтган халқаро мусиқа танловида 3-ўринга сазовор бўлдим. 1991 йилда Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга қабул қилиндим. Сўнгра «Байрам» гуруҳига...

— Кечирасиз, миш-мишларга қараганда, Шуҳрат «Байрам»дан кетибди, деган гаплар... Рост бўлса, сабаби?..

— «Байрам»дан кетганлигим рост. Сабаби,— шахсий, оилавий муносабатларга бориб тақалади.

— Адашмасам, сизни «Катта танаффус» телеўйинига бошловчиликка таклиф этишган. Нимага рози бўлмадингиз?

— Ўша пайтларда, тўғрироғи, вақт кам эди. Концертлар, гастролларда узоқ вақт ушланиб қолардик. Ўзингизга маълумки, телевидение — кўзгу. Айтилган съёмка вақтига етиб келиш талаб этилади. Менда у имкониятлар йўқ эди...

— Ҳозирда нима билан машғулсиз?

— «Байрам»дан кетган бўлсамда, тўхтаб қолганим йўқ. Янги куй ва қўшиқлар устида ишлаяпман. Бунда менга ажойиб инсон Рустам Маҳмудов ва «Малик» студияси ёрдам беряпти.

— «Байрам» гуруҳи дастуридаги «Жамилам», «Маҳбубам», «Ёввойи», «Бом-бом», «Хеле Хоп» қўшиқлари кўп мухлисларга ёд бўлиб кетган. Қўшиқ сўзларини, мусиқасини кўпроқ ким яратарди?

— Иброҳим Жиянов шеърларидан, кўпроқ гуруҳдаги Дониёр Мамедов рафиқаси Машҳура Мамедова шеърларидан фойдаланардик. Мусиқасини гуруҳ болалари билан бирга ёзардик.

— «Байрам»ни бошқа гуруҳлардан ажратиб турувчи жиҳатлари нимада деб ўйлайсиз?

— Эътибор берган бўлсангиз, «Байрам» миллийликка кўпроқ ёндошади. Видео клипларда ҳам, масалан, «Бом-бом» қўшиғида эшак миниб, чопон кийиб қўшиқ яратганмиз. Бундай қўшиқ куйлашимиз халқимизга тезроқ етиб боради. Либосларимиз ҳам ўз-ўзидан қўшиққа мослаб танланади.

— «Байрам»да ҳозир кимлар фаолият кўрсатяпти? Улар билан муносабатингиз қандай?

— Равшан Ҳожиакбаров, Байрам Давлатов, Дониёр Мамедов, ҳозирги кунда менинг ўрнимга Акмал Мамедов иш олиб боряпти. «Байрам» ҳомийси «Байрам» фирмаси Президенти Абдураҳмон Давлатов. Муносабатимизга келсак, ҳар ҳолда ижобий эмас.

— Болаларга тилагингиз?

— Рости, ўзим ҳали боламан. Шундай бўлса-да, болаликнинг гўзал дамларини бошидан кечираётган дўстларимга фақат «аъло» баҳоларга ўқишини, мусиқа доимо уларнинг ҳамроҳи бўлишини тилаб қоламан. Шу ўринда «Тонг юлдузи» газетасининг билағон ўқувчиларига саволим бор:

1. «Жамилам» қўшиғига ишланган видиолавҳа ойнаи-жаҳонда биринчи бўлиб қачон намойиш этилган?

2. Қайси кўрсатув орқали мухлисларга тақдим этилган.

3. Ушбу клипнинг режиссёри ким?

Таҳририятдан: Шуҳрат Каримовнинг саволларига ким биринчи бўлиб тўғри жавоб йўлласа, қўшиқчининг совғаси ўшанга насиб этади. Совға нималиги ҳозирча сир!..

Нилуфар ДАВИДОВА, суҳбатлашди.

Алла Пугачеванинг қизи

Машҳур эстрада юлдузи Алла Пугачёванинг қизи Кристина болалик пайтларида театр спектаклларига боришни яхши кўрар экан. У саккиз ёшга тўлганида балет мактабига киришни хоҳлаб қолди. Шунда унга онаси «Сенга ҳеч қандай ёрдам беролмайман. Санъатда фақат ўз кучи ва табиат берган истеъдоди бор кишиларгина қоладилар», дейди. Лекин, Кристина табиатан нозик қизча бўлганлиги учун уни балет мактабига қабул қиладилар. Шундан сўнг тиришқоқлик билан ўқиш даврлари бошланди. Бу орада у инглиз тилини ҳам ўрганишга улгурди. Бувисининг қаттиқ туриб талаб қилгани боис мусиқа билан ҳам шуғулланишга мажбур бўлди.

Бир неча бор саҳнага чиққач, Кристина «Қуриқчи» деб номланган бадиий фильмда суратга тушди. Ўша пайтда бу ролни ўйнаш учун талабгор бўлган 17 минг қизчанинг орасидан фақат Кристинани танлаб олишган эдилар. Шунда Алла Пугачёва шундай деган экан: «Агар Кристина актриса бўлса, у ҳолда қуриқчини ҳам, маликани ҳам қойил қилиб ўйнаб бериши керак». Бундан бир неча йил ўтгач, «Гардемаринлар» бадиий фильмида Кристина ростдан ҳам соҳибжамол малика Фика ролини ижро этди. Вақт ўтиши билан у театр саҳнасини ҳам орзу қилиб қолди. Театр студиясига ўқишга кирмоқчи бўлганида эса ўқишга шошилмасдан, ҳозирча Гибсон пьесаси асосида «Душанба кунги сеҳрдан сўнг» спектаклидаги ожиз қиз ролини ўйнашни таклиф этишади. Бу рол жуда ажойиб чиқди. Бундан бир йил аввал Кристина Орбакайте театр санъати академиясига қабул қилинди.

Кристина Орбакайте театрида қандай қилиб хонанда бўлиб қолди? Жуда оддий! Ҳатто тасодифан деса ҳам бўлади. Янги йил байрамлари арафасидаги тайёргарликларнинг бирида композитор Игорь Николаев Алла Пугачёва учун «Кел, гаплашайлик» деб номланган қўшиқни ёзиб келади. Шунда эстрада юлдузига бу қўшиқнинг мазмуни унчалик тўғри келмагани, у кўпроқ ёшлар учун мос келишини айтади. Кейин бу қўшиқни Кристинага тавсия этишади... Энди эса унинг ўз мухлислари ҳам бор.

Иброҳим ЖИЯНОВ.

МУСИҚИЙ СОЛНОМА

1918 йили Тошкентда Туркистон халқ консерваторияси очилди. Самарқанд, Фарғонада 1919 йили, Бухорода эса 1920 йили унинг филиаллари ташкил этилди.

***

1928 йили Самарқандда мусиқа ва хореография илмий-текшириш институти барпо этилди. Бошланғич мусиқа таълимидан ташқари, чолғу асбобларида чалиш сирлари ўргатилди. Миллий мусиқанинг нодир намуналарини ёзиб олишда институт бебаҳо аҳамият касб этди.

***

1920 йилларда дастлабки мусиқа тўгараклари — «Кўк қўйлак», «Санъатчи қизлар» ташкил этилди.

***

1925 йилда ўзбек мусиқа театри артистлари Муҳиддин Қориёқубов ва Тамарахоним Париж ва Берлинга ижодий сафар қилиб, катта муваффақият қозонди.

***

1934 йилда Тошкентда Олий мусиқа мактаби, 1936 йилдан Тошкент давлат консерваторияси барпо этилди.

***

1936 йилда Ўзбекистон давлат филармонияси ташкил топди. 1937 йилда ўзбек халқ ижодий уйи ташкил этилди. 1938 йилда ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри тузилди.

***

1932 йил биринчи ўзбек балети — Н. Рославецнинг «Пахта» балети саҳналаштирилди. 1938 йили эса Ф.Тальнинг «Шохида» балети томошабинлар хукмига ҳавола этилди. Аммо муаллифлар ўзбек мусиқа мероси хусусиятларини тушунмай иш тутганлари учун бу асарлар муваффақият қозонмади.

***

1938 йилда Ўзбекистон Композиторлар союзи ташкил этилди. Ўша пайтда бу ижодий ташкилотда бор — йўғи 20 нафар композитор бўлган.

***

Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентда хореография билим юрти, театр-рассомлик институти, ҳозирги М. Уйғур номли Санъат институти ташкил этилади. Янгийўлда янги театр барпо этилади. Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри учун бино қурилади.

***

Урушдан кейинги янги жанр — кино мусиқасига асос солинади. А. Козловскийнинг «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддиннинг саргузаштлари» фильмларига ёзган мусиқаси бу борада дастлабки тажрибаларидир.

Дилфуза Мусакова тайёрлади.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ҲАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Ҳотам АБДУРАИМОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Инқилоб ЮСУПОВА, Дадахон ЁҚУБОВ, Суннатилла ҚЎЗИЕВ, Феруза ОДИЛОВА.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ «ЁШ ИҚТИСОДЧИ» ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:
Музаффар ПИРМАТОВ, Равшан ҚАМБАРОВ
Навбатчи: Маҳлиё МИРСОАТОВА

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0901.
39.983 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30
Навбатчи: М. ҲАЙДАРОВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563
Телефон:
1-33-44-25
1-36-57-91
1-36-54-21

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй